Давр талаби: ЖАДАЛЛАШТИРИШ, СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 153 (8893). ✦ 1986 йил 7 август, пайшанба Баҳоси 3 тийин

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

## ДАЛА ВА ФЕРМАЛАРДА ИШНИ МУСОБАҚАДОШЛАР МАСЛАҲАТЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТАЙЛИК

ОЗАРБАЙЖОНЛИК МУСОБАҚАДОШЛАР ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ДАЛАЛАРИДА

## БИР-БИРИМИЗДАН ЎРГАНДИК

ОЗАРБАЙЖОНЛИК мусобақадошларнинг текшириш бригадаси 6 августда областнинг дала ва фермаларида бўлиб, ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида зиммага олинган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлигини текширишни давом эттирдилар. Шу куни меҳмонлар Бўка, Пискент, Ўрта Чирчиқ районларида, сўнгра Оржоникидзе, Тошкент, Янгийўл, Ғалаба, Оққўрғон районларидаги колхоз ва совхозларда бўлиб пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари аҳволи билан танишдилар. Шундан сўнг озарбайжонлик мусобақадошлар Ўзбекистоннинг пойтахт области бўйича ўз иш программаларини тугалладилар.

Кеча куннинг биринчи ярмида озарбайжонлик деҳқонлар Бўка райони хўжаликлари пахта далаларини кўздан кечирдилар. Улар жумладан, Мичурин номли, «Октябрь 40 йиллиги», «Ленин йўли», «Партия XIX съезди» колхозларида бўлдилар. Ильич номли, Жамбул номли, «Ленинизм» колхозлари экинларини кўздан кечирдилар. Улар қаерда бўлишмасин, тошкентликларнинг чеканкани ўтказиш соҳасидаги тажрибаларини ўрганишга алоҳида эътибор бердилар. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш қандай ташкил этилганлиги билан қизиқдилар.

Меҳмонлар «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг Гелди Хитоев бошлиқ бригадасида пахтадан мўл ҳосил тўплаш учун барча зарур тадбирлар кўраётганлигининг гувоҳи бўлдилар. Ғўзаларнинг ривожи яхши. Кўсаклари кун сайин кўпаймоқда. Машина теримига пухта тайёргарлик кўрилаётир.

Озарбайжонликлар «Ленин йўли» колхозининг Усмонқул Ҳайдаров бошлиқ бригадасида ғўзани тунда ва шарбат усулида суғориш яхши ташкил этилганлигини алоҳида қайд қилдилар. Чеканка ишларининг сифати ҳам меҳмонларни хурсанд қилди. Улар бир-биримиздан кўп нарсаларни ўргандик. Сизларнинг тажрибангизни, албатта, ўзимизда қўллаймиз, деб айтишди.

«Партия XIX съезди» колхозининг бригада бошлиғи Аҳмад Душабоев меҳмонларга кўсак қуртига қарши курашда биологик усулдан қандай фойдаланилаётганлиги ҳақида гапириб берди. Областда бошланган қирқ центнерчилар ҳаракатининг ташаббускори бўлган бу бригада далаларида юксак мажбуриятга яраша ҳосил тўпланмоқда. Бригадир шу кеча-кундузда агротехника тадбирлари қандай амалга оширилаётганлигини озарбайжонликларга бирма-бир гапириб берди. Ҳосилни асосан ўз кучимиз билан, четдан ёрдамчилар олмай йиғиб оламиз, деди у.

Қардош мусобақадошлар ютуқларни қайд қилиш билан бирга бир қатор камчиликларни ҳам кўрсатдилар. Масалан, Мичурин номли, Жамбул номли, Ильич номли колхозларнинг айрим участкаларда ғўза сийрак бўлиб қолганлигига қарамасдан қатор ораларига ишлов бериш сифатли ўтказилмаяпти. Ғўзани суғориш ҳамма ерда талаб даражасида ташкил этилган эмас. Айрим хўжаликларда ҳашаротга қарши кураш суст. Бор имкониятлардан тўла фойдаланилмаяпти.

Тошкентликлар озарбайжонлик меҳмонларнинг қимматли маслаҳатлари ва мулоҳазалари учун миннатдорчилик билдирдилар. Улар ҳамма ерда ишни дўстлар кўрсатмалари асосида бажаришга, камчиликларни тезда бартараф этиш, мўл ҳосил етиштириш учун барча зарур тадбирларни амалга оширишга аҳд қилдилар.

М. ЕДГОРОВ,
Н. ИСАЕВ.

□ ҒАЛАБА районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ташаббускор пахтакор Энвер Алиев бошчилик қилаётган бригадаси деҳқонлари айни кунларда ғўза парваришини намунали ташкил этишмоқда. Бригадада барча дала ишлари машина ва механизмлар ёрдамида амалга оширилмоқда. Бу йил моҳир пахтакор етакчилигидаги коллектив 120 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил йиғиштириб олишга аҳд қилган. Суратларда: (ўнгдан) бригада механизатори Мурод Саидбоев; ғўза қатор ораларига ишлов бериш пайти.

А. Зуфаров фотолари.





## КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

**КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Мамлакат дон хўжалиги барқарорлигини ошириш ва ўн иккинчи беш йилликда ем учун ажратиладиган дон ресурсларини кўпайтириш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилдилар.**

Қабул қилинган қарорда ҳозирги шароитда дон проблемасининг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий аҳамияти беқиёс ўсиб бораётганлиги таъкидланади. Озиқ-овқат комплексидаги бу асосий проблема партия XXVII съезди томонидан қўйилган мамлакатни қисқа вақт ичида озиқ-овқат билан тўла таъминлаш вазифасини ҳал этишда муваффақият негизидир.

Сўнгги йилларда моддий-техникавий базани мустаҳкамлаш, социал инфраструктурани ривожлантириш юзасидан кўрилган чоралар деҳқончиликнинг интенсивланишига, дон хўжалиги барқарорлигининг бирмунча ўсишига, деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришнинг кўпайишига ёрдам берди.

Шу билан бирга олинаётган ялпи ҳосил мамлакатнинг донга эҳтиёжини таъминлай олмаяпти. Емдаги оқсил моддасининг номутаносиблиги оқибатида ем учун ажратилган доннинг анча кўп ортиқча сарфланишига йўл қўйилмоқда, бу эса дон етишмовчилигини кучайтирмоқда. Раҳбарлар ва мутахассисларнинг бир қисмида тайёрига умид қилиш кайфияти, уруғлик учун ҳам, чорвачилик учун ҳам давлат ресурсларидан дон олишга интилиш илдиз отмоқда.

СССР Давлат агросаноат комитети ва унинг жойлардаги органлари, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари дондан оқилона фойдаланиш юзасидан самарали иш олиб бормаяптилар, бу иш ўрнига тежамкорлик ҳақидаги умумий даъватлар билан чекланмоқдалар. СССР Ғалла маҳсулотлари министрлиги тармоқда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга жуда бўш таъсир қилмоқда, корхоналарда нон—булка, макарон маҳсулотлари, шунингдек омихта ем сифатсиз ишлаб чиқарилишига, қайта ишлаш ва сақлаш вақтида доннинг нобуд бўлишига йўл қўймоқда. Бу ва шунга ўхшаш салбий ҳодисаларга партия комитетларида ҳам принципиал баҳо берилмаяпти.

Аҳволни тубдан ўзгартириш, дон хўжалигини ривожлантиришни жадаллаштиришга ҳамда унинг барқарорлигини оширишга эришиш учун партия, совет ва хўжалик органлари, агросаноат бирлашмаси ҳамда у билан боғлиқ бўлган тармоқлар меҳнат коллективлари кўп куч-ғайрат сарфлашлари талаб қилинади. КПССнинг ҳозирги пайтдаги аграр сиёсати, қишлоқдаги янги иқтисодий вазият, агросаноат комплексида хўжалик юритиш механизмини такомиллаштириш, дон харид қилишнинг барқарор планлари, хўжаликларнинг ташаббускорлиги ва мустақиллигини ривожлантириш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ўстириш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради ҳамда йиғиштириб олинадиган ялпи донни мамлакатнинг тобора ортиб бораётган эҳтиёжини таъминлайдиган миқдорда кўпайтириш мақсадида ана шу шарт-шароитлардан тўла фойдаланилиши лозим.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети иттифоқдош республикалар компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, район партия комитетлари, СССР Давлат агросаноат комитети, СССР Госплани, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, СССР Ғалла маҳсулотлари министрлиги, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, ўлка, область ва район ижроия комитетлари зиммасига ҳар бир колхоз ва совхоз, регион бўйича дон хўжалигини ривожлантиришнинг аҳволини ҳар томонлама ва танқидий қараб чиқиш, ўн иккинчи беш йилликда унинг барқарорлигини анча ошириш, озиқ-овқат программасига мувофиқ равишда талаб қилинаётган миқдорда сифатли дон етиштиришни кўпайтириш юзасидан амалий чораларни ишлаб чиқиш ва уларни рўёбга чиқариш ҳамда шу йўл билан партия XXVII съезди томонидан ана шу соҳага қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун пухта асос яратиш вазифасини юкладилар.

Дон етиштиришни ривожлантиришга катта аҳамият берилиб, зарур моддий-техникавий ресурслар, илмий кучлар шу ерга жамлансин, интенсив технологиялар кенг жорий этилиши таъминлансин, давлат омборларига режалаштирилган миқдорда дон, дуккакли дон ва ёрма гарантияланган тарзда келтирилишига, асосан хўжаликларнинг ўзида етиштирилган дон ҳисобига ем учун ажратиладиган донга бўлган хўжалик ички эҳтиёжлари қондирилишига эришилсин. Ҳар бир хўжалик, район, область, ўлка ва республика ҳозирги беш йиллик учун белгилаб қўйилган дон тайёрлаш барқарор планларини бажаришлари давлат аҳамиятига молик ғоят муҳим вазифадир.

Деҳқончиликни интенсивлашни бутун чоралар билан жадаллаштириш, унинг ишлаб чиқилган илмий асосланган системаларини изчиллик билан ўзлаштириш, ерларнинг унумдорлигини ошириш, тупроқ эрозиясига қарши тадбирлар комплексини бажариш, дам берилган ерлар самарадорлигини ошириш, тармоқда вужудга келтирилган моддий-техникавий базадан фойдаланишни анча яхшилаш йўли билан дон хўжалигини янада ривожлантиришни таъминлаш белгилаб қўйилди. Агросаноат комплекси барча бўлинмаларида дон етиштиришнинг ҳамма босқичларида ва айниқса донни ўриб йиғиб олиш, сақлаш қайта ишлаш ва ташиш вақтида нобудгарчиликнинг олдини олиш юзасидан самарали чоралар амалга оширилсин. Мамлакат дон ресурсларидан оқилона фойдаланишга эътибор кучайтирилсин.

Илғор колхозлар ва совхозларнинг амалий ишлари кўрсатиб турганидек, хўжалик ҳисобини тўла ўзлаштириш ва коллектив пудратни жорий этиш, звеноларда ва бошқа ишлаб чиқариш бўлинмаларида ишлаётган барча кишиларнинг интенсив технология асосида дон етиштириб, юксак натижаларга эришишдан моддий манфаатдорлигини кучайтириш негизидагина дон хўжалигига сарфланаётган маблағларнинг юксак самарали таъминланишини КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети алоҳида таъкидладилар. Партия, совет ва агросаноат органлари интенсив технологияларни ўзлаштиришда юксак натижаларга эришган энг яхши меҳнат коллективлари тажрибаларини чуқур ўрганиб, улар базасида механизаторлар, звено ва бригада бошлиқлари ҳамда мутахассисларни, хўжалик раҳбарларини ўқитишни ташкил этсинлар, шу йўл билан уларнинг ҳар бири дон етиштиришни интенсивлашнинг барча технология усулларини чуқур ўрганиб олишларига эришсинлар.

СССР Давлат агросаноат комитети ва унинг жойлардаги органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари давлат дон ресурсларини кўпайтириш ҳамда зарур резервларни вужудга келтириш учун белгилаб қўйилган моддий омиллар ва рағбатлантириш чоралари негизида хўжаликларнинг планга қўшимча дон сотиш имкониятларидан айниқса деҳқончилик учун қулай келган йилларда кенг фойдалансинлар.

1987 йилдан бошлаб Давлат планида озиқ-овқат ва ем учун донни харид қилиш ҳажмини алоҳида-алоҳида белгилаш мақсадга мувофиқ, деб топилди. СССР Госплани, СССР Давлат агросаноат комитети, СССР Молия министрлиги, СССР Ғалла маҳсулотлари министрлиги, СССР Давлат нархлар комитети, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари дон харид қилишнинг экин турлари бўйича, таркиб топган районлар бўйича жойлаштирилишини қайта кўриб чиқиб, регионларнинг биологик-иқлим имкониятларидан янада оқилона фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда ем учун ажратиладиган доннинг давлат ресурсларини шакллантириш структурасига иқтисодий жиҳатдан асосланган ўзгартишлар киритсинлар. Давлат учун зарур бўлган экинлар донини етиштиришни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш учун зоналар харид нархлари янада чуқурроқ табақалаштирилсин.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети колхоз ва совхозлар томонидан ишлаб чиқилган ҳамда СССР Давлат агросаноат комитети ва В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси тақдим этган мазкур беш йилликда интенсив технология асосида дон етиштириладиган майдонларни кенгайтириш тадбирларини маъқулладилар. Бу тадбирларга мувофиқ интенсив технология асосида дон етиштириладиган майдонлар 50,4 миллион гектар, шу жумладан кузги экинлар майдони 20,6 миллион гектар, баҳори буғдой майдони 17,1 миллион гектар, маккажўхори майдони 4,5 миллион гектар, дуккакли дон майдони 2,7 миллион гектар, шолипоялар 0,6 миллион гектар, тариқ майдони 1,6 миллион гектар, гречиха майдони 0,8 миллион гектар бошқа баҳори экинлар майдони 2,6 миллион гектар кенгайтирилади.

(Давоми иккинчи бетда).

ГАЗЕТАНИНГ БУГУНГИ СОНИГА ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

### 700 ТОННАДАН ОШДИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги «Северний маяк» колхозининг Т. Ким бошчилик қилаётган бригадаси аъзолари маккажўхоридан мўл ҳосил етиштиришди. Айни кунларда 70 гектар ердаги силосбоп кўкпоя жадал ўриб-йиғиб олинмоқда. Шу кунгача хандақларга 700 тоннадан ортиқ сифатли силос бостирилди.

Ўрим-йиғимда Михаил Тен, Юсуф Худойбоев, Николай Иванов сингари механизаторлар жонбозлик кўрсатишмоқда. Улар кунига 11—12 гектар майдондаги ҳосилни йиғиштириб олишяпти. Озуқакорлар бу йил ҳар гектар ердан 400 центнердан силосбоп кўк поя ўриб-йиғиб олишга аҳд қилишган.

С. ҚУРБОНҚУЛОВ.

### ҚЎШИМЧАСИ БИЛАН

ОЛМАЛИҚ гилам фабрикаси меҳнат аҳли съездлар йилида савдо шахобчаларига 20890 минг сўмлик маҳсулот юборишни планлаштирган. Ўтган ярим йилликда гиламчилар буюртмачиларга планга қўшимча 18 минг сўмлик маҳсулот жўнатишди. Бу пландан ташқари 31,3 минг квадрат метр гилам маҳсулотлари демакдир. Биргина июль ойида пландаги 315 минг ўрнига 319,3 минг квадрат метр гилам маҳсулотлари тайёрланди.

Ҳозирги кунда фабрикада бир суткада 10,3 минг квадрат метр гилам-пойандоз ишлаб чиқарилмоқда. Гиламчилар иш суръати билан бирга маҳсулот сифатига ҳам катта эътибор бераяптилар.

О. ХУШНАЗАРОВ.

### ДИСПЕТЧЕРЛИК МАРКАЗИ ИШГА ТУШДИ

● АНГРЕН станциясидаги ҳамма постлардан стрелкачилар бошқа ишларга ўтказиб юборилди. Уларнинг ишини марказий пульт ёнида ўтирадиган биргина навбатчининг ўзи бажарадиган бўлди. У бу ерда ишга туширилган диспетчерлик марказлаш системасининг ёрдами билан станциядаги бутун ҳаракатни бошқаради. Бўшаб қолган ишчилар олдиндан янги ҳунар ўргандилар ва бошқа участкаларга ўтиб ишлай бошладилар.

(ЎзТАГ).

*Ем-хашак тайёрлаш «Тошкент ҳақиқати» назоратида*

## Оммавий сафарбарлик

ПАРКЕНТ райони хўжаликларида ем-хашак тайёрлаш суръати кундан-кунга кўтарилиб боряпти. Эришилган юқори кўрсаткичлар учун районга область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил Байроғи топширилди. Районда хўжаликлар ўртасида ҳам мусобақа авж олдирилди. Бу беллашувда Калинин номли совхоз озуқакорлари пешқадамлик қилишяпти. Совхозда шу кунгача 3300 тоннадан ортиқ дағал озуқа тайёрлаб қўйилди.

Хўжаликнинг Собит Борназаров, Мирвоҳид Алимбоев ўртоқлар бошчилик қилаётган озуқачилик бригадалари ишчилари йиллик планларини ортиғи билан бажариб қўйишди. Бу бригадаларда дағал озуқа тайёрлаш уюшқоқлик билан давом этяпти.

Совхозда бундай юқори кўрсаткичларга мавжуд техника ва ишчи кучларидан самарали фойдаланиш ҳисобига эришилмоқда. Масалан, айни кунларда 300 дан ортиқ киши ем-хашак жамғариш билан шуғулланмоқда.

— Биз бу йил озуқа тайёрлашда мусобақанинг янги формаларини қўлладик,— дейди совхоз директори О. Аъзамов.— Беллашувга ўз вақтида якун ясалиб ғолиблар моддий ва маънавий рағбатлантириб борилмоқда. Шунингдек, ем-хашак жамғариш нормасини ортиғи билан бажарган кишиларга шахсий моллари учун сомон ва бошқа дағал хашаклар етказиб берилмоқда. Бу тадбирларнинг барчаси иш унумдорлигининг юқори бўлишини таъминламоқда.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
А. ТОЖИЕВ.

## МУКОФОТ МУБОРАК

**СССР Олий Совети Президиуми ўн биринчи беш йиллик топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун СССР Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати министрлиги бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотларининг меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатган ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг катта группасини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.**

**ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА:**

Тошкент мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси бригадири В. С. Татарникова Ленин ордени билан;

Янгийўл мебель фабрикаси силлиқловчиси Р. И. Абашина, «Узбекпроектмебель» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси дурадгори Б. Қодиров, Тошкент қоғоз фабрикаси цех бошлиғи Г. А. Куйдина, Тошкент мебель комбинати дурадгори Р. А. Содиқхўжаев, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси В. И. Таранторова Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан;

мебель ойнаси фабрикаси директори Р. Алиев Халқлар дўстлиги ордени билан;

Олмалиқ мебель комбинати оператори А. Б. Исмоилов, Тошкент қоғоз фабрикаси қоғоз қирқувчиси Н. И. Агеев, «Узмебельтранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси автомобиль ҳайдовчиси Н. Х. Хўжаев, Тошкент тажриба-техника заводи слесари Д. Х. Холматов Ҳурмат белгиси ордени билан;

«Узбекпроектмебель» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси дурадгори А. А. Абдураҳмонов, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси пардозловчиси М. Д. Миразизова II даражали Меҳнат Шуҳрати ордени билан;

Олмалиқ мебель комбинати катта мастери В. С. Орлова, Тошкент мебель комбинати дурадгорлар бригадири К. Х. Абдураҳмонов, Тошкент қоғоз фабрикаси қоғоз тайёрлаш машинаси машинисти А. В. Аметова, «Союзорглестехмонтаж» Бутуниттифоқ бирлашмаси монтаж-созлаш бошқармаси слесари Б. Т. Вискубов, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси бригадири А. В. Файзиев, Ўзбекистон ССР мебель ва ёғочсозлик саноати министрлигининг ремонт-қурилиш бошқармаси экскаватор машинисти Н. Э. Эрматов III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени билан;

шунингдек, 11 киши «Шавкатли меҳнати учун» медали билан, 10 киши «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан тақдирландилар.

КОММУНИСТЛАР ЕТАКЧИ

## Тежаб-тергаш самараси

**ТОШКЕНТДАГИ «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-фабрикасининг коллективи тежалган газмолдан тикилган кийим-кечакларни муддатидан илгари магазинларга жўнатди.**

**Коммунист Раиса Яковлевна Сусойкина бошчилигидаги бичиқчилар бригадаси корхонада материалларни рационал сарфлашда яхши ўрнак кўрсатмоқда. Бу коллектив партиянинг тежаб-тергаш режимини кучайтириш тўғрисидаги даъватига жавобан бир қанча янги лекаллар (андозалар) ишлатди ва ғазмол бичиш методини такомиллаштирди. Бу чиқитсиз операция туфайли бригада йил бошидан бери 500 килограммдан кўпроқ қимматли хом ашёни тежай олди.**

**Фабрикада Р. Я. Сусойкина ўз ишининг устаси сифатида маълум. Кийим-кечакни сифатли ва тежамли қилиб бичади. Орттирган тажрибаларини дугоналарига бажонидил ўргатади. Коммунист сифатида икки вазифани — ёшларнинг мураббийси ва агитаторлик вазифаларини доимо бажариб келмоқда. Ишдаги муваффақиятлари учун III даражали Меҳнат Шуҳрати орденига сазовор бўлган бу устанинг фикрига барча бичиқчилар диққат билан қулоқ соладилар, ҳамма ишда унга эргашишга ҳаракат қиладилар.**

**Бригада КПСС Марказий Комитетининг мамлакат меҳнаткашларига қилган Мурожаатини муҳокама қилиб, шу йилда зиммасига олган социалистик мажбуриятларини қайтадан кўриб чиқди: тежалган хом ашё ҳисобидан илгари мўлжалланганидек, икки кун эмас, балки уч кун ишлаб беришга қарор қилинди.**

(ЎзТАГ мухбири).

### ЗАВОДДА ВИСТАВКА

**Асосий ишлаб чиқариш чиқитларидан турли тўрлар ва бошқа хил маҳсулот ясаётган «Чирчиксельмаш» заводи шу маҳсулотлар виставкасини ташкил этди. Тўрдан чорбоғни ўраш, қуёнхона ёки паррандахоналар ясаш мумкин. Харидорларнинг истакларига мувофиқ завод шу тўрлардан ажратма секциялар ясаб беради. Қайчи ва нондон сингари зарур ашёлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.** (ЎзТАГ).

### ЎРНИ БЎШАГАН ДЕПУТАТ ЎРНИГА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР ЎТКАЗГАН ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АХБОРОТИ

Ўрни бўшаган депутат ўрнига шу йил 3 август куни 61-Қурилиш сайлов округи (Олмалиқ шаҳри) бўйича Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар бўлди. Бу сайловлар Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар тўғрисида»ги қонунининг 57 моддасига тўла мувофиқ ҳолда ўтказилди.

61-Қурилиш сайлов округи бўйича 21597 сайловчи рўйхатга киритилган эди. Улар сайловда тўлиқ қатнашди. Сайловда Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод учун сайловчиларнинг 99,94 проценти овоз берди.

Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Абдуманноп **Абдувосиқов** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати қилиб сайланди.

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ем учун сарфланадиган дон ресурсларини кўпайтиришда маккажўхори етиштиришнинг алоҳида аҳамиятини ҳисобга олиб, иттифоқдош республикалар компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советларининг Ўрта Осиё, Украина ва Қозоғистон жанубида, Шимолий Кавказ ва Волга бўйида беш йилликда кўзда тутилган миқдорда кенгайтириладиган суғорма ерлардан фойдаланиб, маккажўхори етиштиришнинг гарантияли зоналарини барпо этиш ва шу тариқа ўн иккинчи беш йилликнинг охирига бориб, ялпи маккажўхори дони ҳосилини 22 миллион тоннага етказиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинди.

СССР Давлат агросаноат комитетига, ВАСХНИЛга, иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советларига, ўлка, область ижроия комитетларига илмий тадқиқот институтлари, уларнинг филиаллари, тажриба станциялари ва илғор хўжаликлар базасида область, ўлка, республиканинг ҳар бир табиий иқлим зонаси учун дон экинлари етиштиришнинг интенсив технологияларини колхоз ва совхозларда амалда жорий этилишини таъминлаш юзасидан илмий-ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш системалари барпо этиш топширилди. Минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва бошқа моддий-техника ресурслари уларнинг ихтиёрига жамлаб берилсин. Дастлабки уруғчилик ва истиқболли навлар уруғини кўпайтириш, технологияларни такомиллаштириш, деҳқончиликни интенсивлаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда бу лойиҳаларни шартнома асосида колхоз ва совхозларда амалга ошириш уларнинг зиммасига юклансин.

СССР Давлат агросаноат комитети бир ой ичида илмий ишлаб чиқариш ҳамда ишлаб чиқариш системалари тўғрисидаги намунавий қоидани ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, бунда ана шу илмий ишлаб чиқариш ҳамда ишлаб чиқариш системаларида ишлашга илмий ходимларни ва юксак малакали мутахассисларни жалб этишни, пировард натижалардан уларнинг манфаатдорлигини ошириш чораларини кўзда тутиши лозим.

СССР Госплани, СССР Давлат агросаноат комитети, СССР Госснаби, СССР Фан ва техника давлат комитети, СССР Химия саноати министрлиги, СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги, СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги, СССР Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машинасозлиги министрлиги, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, СССР Ғалла маҳсулотлари министрлиги, СССРнинг бошқа манфаатдор министрликлари ва идоралари, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари 1987—1990 йиллар планлари лойиҳаларида дон етиштиришни интенсивлаш топшириқлари бажарилишини таъминлаш тадбирларини кўзда тутсинлар. Бунинг учун зарур капитал маблағ, меҳнат, молия ва материал-техника ресурслари ажратилсин.

СССР Давлат агросаноат комитети, иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари 1987—1990 йилларда дон экинларига солиш учун қишлоқ хўжалигига минерал ўғитларни ўз вақтида етказиб берсинлар. Интенсив технология асосида етиштирилаётган кузги ғалла ҳамда баҳорги экинлар экиладиган ерларни шудгорлашдан олдин куз вақтида солиш учун минерал ўғитларни талаб қилинган миқдорда умумий фондлар ҳисобидан ҳар йили етказиб бериш кўзда тутилсин.

СССР Давлат агросаноат комитети, СССР Госплани, СССР Химия саноати министрлиги, СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги, СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлиги белгиланган миқдорда пестицидлар ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигига етказиб беришни таъминлашга мажбурдирлар. СССР Химия саноати министрлиги (ўртоқ Листов) 1987—1990 йилларда зарур миқдорда ўсимликларнинг ўсиш регуляторларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва СССР Давлат агросаноат комитетига етказиб бериш юзасидан зарур чораларни кўрсин. Стерлитамакдаги (Бошқирдистон АССР) «Каустик» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг ўсимликлар ўсиш регуляторларини (тур препарати) ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасидаги ташаббуси маъқулланди.

РСФСР, Украина ССР, Қозоғистон ССР, Ўзбекистон ССР, Бошқирдистон АССР, Министрлар Советлари, Куйбишев область ижроия комитети, СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги ва СССР Химия саноати министрлиги, СССР Фанлар академияси, тегишли қурилиш министрликлари ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларини ишлаб чиқарадиган саноатни ривожлантириш, ана шу воситаларни, улар учун хом ашёни ишлаб чиқарадиган бир қанча корхоналар ва тажриба базаларини жойлаштириш ҳамда уларни қуриш учун жой ажратиб бериш топшириқларини бажармаганликлари таъкидлаб ўтилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Украина ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Бошқирдистон АССР, Чувашия АССР Министрлар Советлари, Волгоград область ижроия комитети, Куйбишев область ижроия комитети зиммасига СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги, СССР Химия саноати министрлиги ва СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть саноати министрлиги билан биргаликда янги пестицидлар ва улар учун хом ашё ишлаб чиқарадиган объектларни жойлаштиришнинг ҳамма масалаларини қараб чиқиб, бир ой ичида ҳал қилиш вазифасини юкладилар.

Министрлар А. Г. Петришчев, В. В. Листов, Н. В. Лемаев, Б. В. Бакин, Е. П. Славский, А. Н. Шчепетильников, В. И. Решитилов, А. И. Майорец, С. В. Башилов ўртоқларга ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситалари ва бу воситалар учун хом ашё ишлаб чиқарадиган объектларни қуриш ҳамда уларни белгиланган муддатларда ишга туширишни таъминлаш таклиф қилинди.

Украина Компартияси Марказий Комитетига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, КПСС Бошқирдистон область комитетига, КПСС Волгоград область комитетига, КПСС Ленинград область комитетига, КПСС Куйбишев область комитетига, КПСС Чувашия область комитетига ана шу топшириқларнинг бажарилиши устидан мунтазам контрол қилиш топширилди.

СССР Госплани, СССР Минерал ўғит ишлаб чиқариш министрлиги, СССР Давлат агросаноат комитети бир ой муддат ичида қўшимча равишда йилига 2 миллион тонна фосфорит уни ишлаб чиқариш учун мўлжалланган қувватларни вужудга келтиришга оид таклифларни тақдим этсинлар.

СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигига, СССР Ғалла маҳсулотлари министрлигига, СССР Химия ва нефть машинасозлиги министрлигига 1987—1990 йилларда қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари ишлаб чиқариш, СССР Давлат агросаноат комитетига эса илгари қабул қилинган қарорда кўзда тутилган тармоқлараро кооперацияни сақлаб қолган ҳолда интенсив технологиялар асосида дон экинлари етиштираётган хўжаликларга аниқ мақсадни кўзлаб қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари етказиб беришни йўлга қўйиш вазифаси топширилди.

СССР Госплани ва СССР Госснаби ана шу мақсадлар учун зарур бўлган материаллар ва комплектловчи буюмлар ажратиб беришлари керак.

СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги коллегиясининг диққат-эътибори интенсив технологиялар учун механизмлар ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришда намоён бўлган интизомсизликка қаратилди. Министр ўртоқ А. А. Ежевскийга қишлоқ хўжалигини зарур даражада сифатли техника ва энг аввало тупроққа экин экишдан олдин ишлов берадиган мукаммал пуркагичлар, қўшимча озиқлантирувчи ускуналар, сеялкалар, комбинацияланган агрегатлар билан сўзсиз ва ўз вақтида таъминлаш юзасидан узил-кесил тадбирлар қабул қилиш таклиф этилди.

Ўғит ва пестицидлардан юксак самарали фойдаланиш учун ана шу техниканинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, СССР Давлат стандартлар комитетига 1987 йилдан бошлаб шундай машиналар тайёрлаш сифатига идорадан ташқари баҳо беришни йўлга қўйиш топширилди.

Қишлоқ хўжалигига сифатли оҳак материаллар етказиб бериш юзасидан СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, СССР Минерал ўғит ишлаб чиқариш министрлиги, СССР Қора металлургия министрлигининг иши қониқарсиз, деб топилди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети мазкур министрликлардан аҳволни тузатишга оид узил-кесил тадбирлар қабул этишни талаб қилдилар. РСФСРда маҳаллий карьерларда оҳак ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун мавжуд имкониятлардан суст фойдаланилаётганлиги таъкидланди.

СССР Давлат агросаноат комитетига, иттифоқдош республикалар Министрлар Советларига оҳак ва таркибида гипс бўлган материаллардан самарали фойдаланишни ташкил этиш вазифаси топширилди. Тупроқнинг шўрини кетказмай туриб интенсив технологияларни қўлланиш ва физиологик жиҳатдан кислотали минерал ўғитни кўп миқдорда ерга солишга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисидаги талабга қатъий амал қилинсин. Иттифоқдош республикалар бўйича оҳакли материаллар етказиб бериш аччиқ тупроқни оҳаклаш ва шўрхок ерларга гипс солиш топшириқлари белгиланди. СССР Госплани йиллик планлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда белгиланган топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминловчи зарур материал-техника ресурсларини ажратишни кўзда тутсин.

СССР Давлат агросаноат комитети, совет ва хўжалик органлари донни йиғиштириб олиш ва сақлашда нобудгарчиликни камайтириш ҳисобига озиқ-овқат ва ем-хашак ресурсларини кўпайтириш юзасидан самарали тадбирлар қабул қилсинлар. СССР Давлат агросаноат комитети СССР Приборсозлик, автоматлаш воситалари ва бошқарув системалари министрлиги, СССР Электротехника саноати министрлиги, СССР Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик министрлиги, Қозоғистон ССР Министрлар Совети иштирокида дон ва уруғлик сақлаш базасини мустаҳкамлаш мақсадида 1988 йилдан бошлаб белгиланган тартибда металл ва темир-бетон цистерналар ишлаб чиқаришни ташкил этсинлар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР Ғалла маҳсулотлари министрлиги коллегиясига ва шахсан министр ўртоқ Г. С. Золотухинга ғалла ва ем учун мўлжалланган дон ресурсларидан оқилона фойдаланишга оид узил-кесил тадбирлар қабул қилиш, дон сақлаш ва уни қайта ишлашдаги камчиликларни бартараф этиш, тармоқ корхоналарини техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлашни ва реконструкциялашни жадаллаштириш, янада мукаммал технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни таъминлаш, ун, ёрма, нон-булка ва макарон маҳсулотлари сифатини яхшилаш вазифаларини юклади. СССР Давлат стандартлар комитети, СССР Ғалла маҳсулотлари министрлиги, СССР Молия министрлиги ва СССР Давлат нархлар комитети икки ой муддат ичида ана шу маҳсулотларга янги ГОСТ нархларини ишлаб чиқсинлар ва жорий этсинлар, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришдан меҳнат коллективларининг моддий манфаатдорлигини ошириш тадбирларини кўзда тутсинлар.

Қарорда СССР Ғалла маҳсулотлари министрлиги, СССР Узоқ Шарқ ва Забайкалье районларида Қурилиш министрлиги, СССР Саноат қурилиши министрлиги, СССР Транспорт қурилиши министрлиги, СССР Давлат агросаноат комитети ва «Главмоспромстрой» ғалла маҳсулотлари корхоналари қурилишида йўл қўйилган қолоқликни тугатишлари ҳамда тегирмон заводлари, элеваторлар, дон сақланадиган ва уни қайта ишлайдиган бошқа объектларни 1986 йилда ва ундан кейинги йилларда ўн иккинчи беш йиллик планига қатъий мувофиқ равишда ишга туширишни таъминлашлари керак. Иттифоқдош республикалар компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига ана шу корхоналар қурилиши ва уларни реконструкциялаш қандай бораётганлигини контрол қилишни кучайтириш вазифаси топширилди.

СССР Давлат агросаноат комитети ва СССР Ғалла маҳсулотлари министрлиги омихта ем саноати ишини тубдан яхшилаб, ем сифати учун, уларнинг балансланган тарзда бўлиши учун корхоналар раҳбарларининг масъулиятини оширсинлар, стандартлар талабларидан чекиниш ҳолларига йўл қўймасинлар.

1986 йил ҳосилидан бошлаб колхозлар, совхозлар ва бошқа хўжаликлар базис кондицияларида кўзда тутилганига қараганда бир мунча юқори даражада нам ва ифлос бўлган дон ва мойли экинлар уруғини сотиш чоғида натура скидкаларидан ташқари ғалла қабул қилиш корхоналарининг амалдаги харажатлари, шунингдек рентабеллик нормативини назарда тутиб, белгиланган нархларга кўра, дон ва мойли экинлар уруғини қуритиш ва тозалаш учун (базис кондицияларидан юқори бўлган ҳар бир процент намлик ва ифлосланиш учун) ана шу ишлар таннархининг 8 проценти миқдорида ҳақ олинади.

Ана шу нархлар автоном республикаларнинг Давлат агросаноат комитетлари, ўлка ва областларнинг агросаноат бирлашмалари томонидан ўлкалар, областлар ва автоном республикалар ғалла маҳсулотлари бошқармаларининг тавсиясига мувофиқ, областларга бўлинмаган иттифоқдош республикаларда эса уларнинг Давлат агросаноат комитетлари томонидан тегишли иттифоқдош республикалар ғалла маҳсулотлари министрликларининг тавсиясига мувофиқ тасдиқланади.

Ғалла қабул қилиш корхоналарининг қуритиш ва тозалаш техникасидан янада тўлиқроқ фойдаланиш мақсадида СССР Давлат агросаноат комитетининг шу йил ҳосилидан бошлаб Ғарбий ва Шарқий Сибирь ҳамда Шимолий Қозоғистон колхоз ва совхозларидан донни бевосита комбайнлардан қабул қилиш тўғрисидаги таклифи инобатга олинди.

Юқори сифатли буғдой дони давлат ресурсларини кўпайтириш учун СССР Ғалла маҳсулотлари министрлигига СССР Давлат агросаноат комитети билан келишиб ғалла тайёрлаш чоғида иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг таклифларини ҳисобга олган ҳолда, бақувват буғдой ва сифати қимматли буғдой навлари, шунингдек қаттиқ (классли) буғдой донини омихта ем ва ем учун мўлжалланган донга алмаштириб қабул қилиш ҳуқуқи берилди:

давлатга бошқа донли экинлар сотиш планини бажарганликларидан қатъи назар, буғдой харид қилишнинг белгиланган планларини бажарган колхозлар, совхозлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларидан;

табиий офатлар натижасида буғдой ва бошқа донли экинлар сотиш планини бажариш имкониятига эга бўлмаган колхозлар, совхозлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларидан қабул қилинади.

Қабул қилинадиган ҳар центнер буғдой дони ўрнига 1,3 центнер омихта ем ёки ем учун мўлжалланган дон бериш белгиланди.

СССР Давлат агросаноат комитети, В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси селекция ва уруғчиликни яхшилаш, қурғоқчиликка, зараркунандаларга ва касалликларга чидамли, интенсив технологиялар асосида етиштиришга яроқли дон экинлари ҳосилдор навларини яратиш ва жорий этишни жадаллаштириш юзасидан шошилинч тадбирларни қабул қилсинлар. Донли экинлар етиштириш, дон сақлаш ва уни қайта ишлашнинг интенсив технологияларини янада такомиллаштиришга оид комплекс тадқиқотлар кучайтирилсин. Селекция ва технология марказлари ишининг роли ва самарадорлиги оширилсин, дон етиштиришни интенсивлашнинг пировард натижалари учун илмий тадқиқот муассасаларининг масъулияти кучайтирилсин.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советларига, СССР Давлат агросаноат комитетига, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетига, В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясига, ўлка, область, район партия комитетларига, ўлка ва область ижроия комитетларига, район ижроия комитетларига ўн иккинчи беш йилликда оммавий касбдаги кадрларни, колхозлар, совхозлар, агросаноат комитетлари ва бирлашмалари мутахассислари ва раҳбарларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан тадбирлар системасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси топширилди.

Олий ўқув юртлари, техникумлар, ҳунар-техника билим юртлари ва тегишли кадрларни қайта тайёрлаш курсларининг ўқув программаларига зарур ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин. Хўжаликларнинг звено бошлиқлари, раҳбарлари ва мутахассислари, район агросаноат бирлашмалари ва агросаноат комитетларининг ходимлари мажбурий аттестациядан ўтказилсин.

Партия, совет ва хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари дон етиштирувчи хўжаликни интенсивлашга сарфланаётган ресурслардан самарали фойдаланиш, дон етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун агросаноат комитетларида хўжалик юритишнинг янги иқтисодий механизми шартларидан энг кўп даражада фойдаланиб, мамлакат деҳқонлари ўртасида социалистик мусобақани кенг авж олдиришлари зарур.

Марказий Комитет ва СССР Министрлар Совети колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари, партия, совет ва хўжалик органлари, раҳбарлар ва мутахассислар КПСС XXVII съезди қарорларини бажара бориб, дон етиштирувчи хўжаликнинг барқарорлигига, дон ялпи ҳосилини оширишга ва унинг сифатини яхшилашга, ўн иккинчи беш йилликда қабул қилинган планлар ва социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилишига эришадилар, деб қатъий ишонч билдирдилар.

## ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН

# КЎМАКЛАШУВЧИ КЕНГАШЛАР

Совет фани фан-техника тараққиётининг муҳим йўналишлари бўйича етакчи позицияларни эгаллашга, жорий ҳамда истиқболли ишлаб чиқариш ва социал-иқтисодий проблемаларнинг самарали ва долзарб ечимларини топишга даъват этилгандир. КПСС XXVII съездида фан ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда ва ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришда, техника ва технологиянинг принципиал янги хилларини яратиш, меҳнат унумдорлигини оширишда тобора кўпроқ роль ўйнаши лозимлиги таъкидланди. Район партия ташкилоти, меҳнат коллективлари КПСС XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорларини амалга ошира бориб бу борада бирмунча ишларни бажармоқдалар.

Район бугунги кунда катта илмий-техник қувватга ҳамда кўп сонли ва малакали кадрларга эга.

Ана шу илмий кучлардан самарали фойдаланиш учун биз фан ва техника тараққиётига партиявий раҳбарликни яхшилашимиз, унинг форма ва методларини такомиллаштириш йўлида тинмай изланишимиз лозим.

1985 йил июнь ойида КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда фан ва техника тараққиётини жадаллаштиришга партиявий раҳбарликнинг энг муҳим формаларидан бири фан ва техника тараққиётини жадаллаштиришга кўмаклашувчи кенгашлар тузиш ва улар ишини такомиллаштириб бориш зарурлиги таъкидланган эди. Районимизда ташкил этилган бундай кенгашга 23 олим, халқ хўжалиги мутахассиси, партия ва совет ходимлари аъзодир. Кенгаш аъзолари райком бюросида тасдиқланган. Шундай Кенгашлар йирик корхоналарда ҳам тузилмоқда.

Район партия комитети ҳузуридаги кўмакдош кенгаш составида 6 секция тузилган бўлиб, уларни район партия комитетининг секретарлари, район ижроия комитети раисининг ўринбосарлари бошқариб бормоқда. Бошқаришни такомиллаштириш, социал-иқтисодий программаларни ишлаб чиқиш ва кадрлар тайёрлаш секциясига район партия комитетининг иккинчи секретари Ш. Т. Нусратов, чиқитли ва чиқитсиз технологияни жорий этиш ва иккиламчи маҳсулотлардан фойдаланиш секциясига эса район ижроия комитети раисининг ўринбосари Б. К. Мирзаахмедов раҳбардирлар. Бу секциялар ҳозир актив фаолият кўрсатмоқда.

Мана, бир йилдирки, район партия комитети ҳузурида фан ва техника тараққиёти кабинети ишлаб турибди. Бу кабинетда олимлар, конструкторлар, рационализатор ва ихтирочиларнинг эришган муваффақиятларини акс эттирувчи диаграммалар, схемалар, экспонатларни кўриш мумкин. Кабинетнинг мақсади янги илмий ечимлар, эришилган муваффақиятларни кўрсатишгина эмас, балки пропаганда қилиш, уларни ишлаб чиқаришга тезкорлик билан жорий этишга кўмаклашишдир. Бу ерга ташриф буюрган олимлар, ишлаб чиқариш вакиллари кўпгина янгиликлардан хабардор бўлмоқдалар. Ҳозир ана шу марказда 1986—1990 йиллар ва 2000 йилгача бўлган давр учун ишлаб чиқаришни интенсивлаш программасини тайёрлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Мазкуз программа ўн иккинчи беш йилликда техник қайта қуриш ва корхоналарни реконструкция қилиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда фан-техника ютуқларидан фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилгандир.

Ўн иккинчи беш йилликда 18 та цех, участка комплекс механизациялаштирилади ва автоматлаштирилади. 15 та автоматик поток линия ишга туширилади. 216 та рақамли программалаштирилган бошқарув станоги, 169 та робот ва манипуляторлар — ҳаммаси бўлиб 1480 бирликдаги замонавий ускуналар ўрнатилади. Ишлаб чиқариш ҳажми 21,3 процентга ўсиши, олий сифат категориядаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни 39—41 процентга кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Бу янгиликларнинг ҳаммаси фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга кўмаклашувчи кенгаш олиб бораётган ишларнинг натижасидир. Ҳозир «Тошкент трактор заводи» «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмалари, экскаватор заводи, «Узбекхлопкомаш» машинасозлик бирлашмаси ва бошқа корхоналарда ҳам фан ва техника тараққиётини жадаллаштириш бўйича катта программада ишлар олиб борилияпти.

Фан ва техника тараққиётини жадаллаштиришга кўмаклашувчи кенгаш моддий-техник ресурслардан ва чиқитлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқди ва улар ишлаб чиқаришда кенг жорий этилаяпти. Яқинда кенгаш томонидан «Куйбишев райони ўн иккинчи беш йилликда: тадбирлар ва муаммолар» деган темада кўргазма ташкил этилди. Унда янги беш йилликнинг маҳсулотлари — тракторлар ва экскаваторлар, кабель, лак-бўёқ маҳсулотлари, пахта тозалаш техникаси ва юк кўтариш механизмлари, контроль-ўлчаш приборлари, автоматика воситалари, кенг халқ истеъмоли моллари, олимлар изланишлари кўрсатилди. Шу билан бир қаторда экспонат, диаграммаларнинг кўпгина қисмида ишдаги камчиликлар очиб ташланди. Кўргазмага район корхоналарида ишлаб чиқарилган сифатсиз халқ истеъмоли моллари ҳам қўйилди, бундай камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган тадбирлар ҳам кўрсатилди.

Район партия комитети бюроси томонидан тасдиқланган план асосида кенгаш аъзолари ҳар кварталда ўз йиғилишларини ўтказмоқдалар. Мажлисларда корхоналар, илмий муассасалар раҳбарларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва бошқа муҳим масалалар бўйича ҳисоботлари тинглаб борилияпти. Яқинда «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош инженери И. П. Великийнинг юксак унумли станоклар, автоматик линиялар самарадорлигини ошириш бўйича ҳисоботи тингланди. Йиғилишда мазкур корхонада янги техникадан фойдаланиш талаб даражасида эмаслиги кўрсатилди. Кенгашда «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасини янада ривожлантириш проблемаси ҳам кўриб чиқилди. Бу программани ишлаб чиқишга Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг экономика институти ҳам жалб этилди. Кенгаш йиғилишларининг бирида ядро физикаси институти олимларининг фан билан ишлаб чиқаришни яқинлаштириш бўйича олиб бораётган ишлари муҳокама қилинди. Фан ва техника тараққиётини жадаллаштиришга кўмаклашувчи кенгашнинг кейинги вақтларда қилган ишларидан бири «Средазкабель» бирлашмасининг ишлаб чиқаришда автоматик бошқарув системасини жорий қилиш бўйича тажрибаларини умумлаштириш ва уни кенг ёйиш масаласи бўлди. Бу иш ҳозир жойларда қўлланмоқда.

Район партия комитети кенгаш ишларини такомиллаштириб боришга алоҳида аҳамият бермоқда. Район партия комитетининг пленумлари ва бюроларида бу масала бир неча марта муҳокама этилди. Ана шу бир мақсадга қаратилган фаолият районда фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишда катта самаралар бермоқда.

Шу билан бир қаторда айтиш керакки, олдимизда ҳал қилинмаган масалалар жуда кўп. Район партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида фан ва техника тараққиётини янада жадаллаштириш ва бу борада юз бераётган камчиликларни бартараф этиш бўйича қатор фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Пленум танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Кўрилган масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди ва бу қарорнинг ижроси устидан қатъий назорат ўрнатилди.

**Н. ЕМЕЛЬЯНОВ,**
**Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари.**

## Шахтёр ҳақида сўз

# ЭЪЗОЗ

9-ШАХТАДА ўз ишини, касбини севувчи, фидокор шахтёрлар кўп. Тозалаш забойининг ишчиси Раим Жўраев шуларнинг бири. У ўн етти ёшида шахтага ишга келган...

Жисмоний бақувват бўлмаган бу йигитдан забойчи чиқишига кўпчилик шубҳа билан қараган эди ўшанда. Буни сезган Раим энг қийин ишларни бажара олишини исботлаш учун жон куйдириб ишлади. Тез орада оғир шахтёрлик касбига кўникди, ҳар қандай мураккаб ишни ҳам тез ва соз уддалай оладиган бўлди. Жумладан, оғир пармалаш аппарати билан кўмирни бурғилайдиган, кўмири олиб бўлинган забойнинг тепаси тушиб кетмаслиги учун уни бир ўзи мустаҳкамлайдиган даражага етишди. Аста-секин катта белкурак билан конвейерга кўмир юклаб, агар механизмларнинг майда ремонтига зарурат туғилса бемалол созлай оладиган бўлди.

Мана, қарийб 30 йилдан буён Раим Жўраев кўмир қазиб чиқаради. Шу йиллар ичида тўплаган бой тажрибасини ёшларга ўргата борди. Ҳасан Маматов, Баҳром Баиров, Ҳабибулла Нишонов сингари кўплаб шогирдлари ҳозир устози билан елкама-елка туриб ишлашмоқда.

Ветеран ишчи Р. Жўраев «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган унвон эгаси. Унинг сурати кўп йиллар шаҳар Ҳурмат тахтасидан тушмади.

Ҳа, Раим Жўраев узоқ йиллар давомида шахтёрлик касбини ардоқлаяпти, касби эса уни эъзозлаб келмоқда.

**А. РАЗЗОҚОВ,**
**9-шахта хизматчиси.**

# ДЕЛЕГАТ ШИЙПОНГА КЕЛДИ

Тошкент область «Октябрь» кутубхонаси ва Пискент район марказий кутубхонаси коллективларининг ташаббуси билан Мурот Али қишлоқ Совети территориясидаги Свердлов номли колхознинг 18-бригадаси дала шийпонида «Ёшлик» журналининг бош редактори, СССР Ёзувчиларининг VIII съезди делегати, шоир Омон Матжон билан ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Кечада шоир съезддан олган таассуротлари, адабиёт аҳли олдида турган долзарб вазифалар ва ўзининг ижодий режалари ҳақида сўзлади. Янги асарларидан намуналар ўқиди, шеърият мухлисларини қизиқтирган саволларга жавоб берди. Дала меҳнаткашлари шунингдек, «Тинчлик йўлидан — бунёдкорлик йўлидан» деб аталган ва Омон Матжон ижодига бағишланган китоб кўргазмаси билан танишдилар.

**В. СОБИРОВА,**
**Тошкент область «Октябрь» кутубхонасининг бўлим мудири.**

## ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

**● ПЕРМЬ**

**ПЕРМДА ишга туширилган электрон-ҳисоблаш машинаси квартираларни алмаштиришнинг турли вариантларини таклиф этади. Электроника бўлажак уй-жойнинг саҳни ва планлаштирилиши тўғрисида хабар бериш билан бир қаторда унинг адресини ҳам маълум қилади. Ҳали яқингача Пермь аҳолисидан уй-жой алмаштириш бюросининг суст ишлаётганлиги хусусида кўп эътирозлар тушиб турарди. Аҳолиси бир миллион бўлган шаҳарда ҳар йили ўн мингтадан кўпроқ квартира алмаштирилади. Эндиликда карточкалар тўлдириш, телефон орқали маълумот олиш ва натижани узоқ муддат кутиш барҳам топди. Бу маълумотларнинг ҳаммаси машина хотирасига солинади ва у квартира алмаштиришнинг оқилона вариантини топади.**



**▲ МОСКВА. «Изолятор» заводининг мутахассислари тайёр маҳсулотлар стендида 1150 ва 1500 киловольт кучланишли янги изоляторларни синовдан ўтказмоқдалар. Пойтахтнинг бу йирик корхонасида тайёрланаётган янги ускуналар «Экибастуз — Кокчетов» ва «Экибастуз — Урал» электр узатувчи линияларга ўрнатилади. Суратда: йиғувчи слесарлар бригадири Сергей Алексеев (олдинда) иш устида.**

**В. Созинов** фотоси.
**(ТАСС фотохроникаси).**

**● ХАРЬКОВ**

САККИЗИНЧИ давлат подшипник заводида жорий этилган конвейерлар ва машиналар системаси иш жойларидаги металл қириндиларини марказлаштирилган усулда йиғиб олиш, уларни брикетлаш ва вагонларга ортишни уюштиришда ёрдам берди. Натижада тўқсонга яқин ишчи оғир жисмоний меҳнатдан ҳоли бўлди. Корхонада ишлаб турган профессионал маҳоратни ошириш мактабида қайта тайёргарликдан ўтганларидан кейин бу ишчилар иккинчи ва учинчи сменага ишга чиқдилар. Системанинг ишга туширилиши туфайли станокчиларнинг бекор туриб қолиш ҳоллари кескин камайди, уларнинг меҳнат унумдорлиги олти процент ошди.

**● ЧЕРЕПОВЕЦ**

**САРАЛАНГАН кўмир чиқиндилари ғишт ишлаб чиқариш учун асосий хом ашё бўлган тупроқнинг «рақобатчи»си бўлди. «Вологдастройматериали» бирлашмасининг мутахассислари ишлаб чиққан ноёб технологияга кўра тайёрланган янги маҳсулотнинг тажриба намуналари синовдан яхши ўтди ва юксак баҳо олди. Сараланган кўмир чиқиндиларидан кенг миқёсда фойдаланиш учун йилига 60 миллион дона ғишт ишлаб чиқарадиган завод қурилади.**
**(ТАСС).**



**▲ ЛИТВА ССР. «Линас» ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулотларини иттифоқимиздагина эмас, чет элларда ҳам яхши билишади. Корхона СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг Бутуниттифоқ ҳурмат тахтасига ҳам ёзилган. Бирлашма меҳнаткашлари беш йиллик планидан ташқари 4,3 миллион квадрат метр юқори сифатли газмол ишлаб чиқардилар. Суратда: ёдгорлик буюмлари участкасининг тикувчи-мотористкаси Эрена Раманаускайте иш устида.**

**А. Сабаляускас фотоси.**
**(ТАСС фотохроникаси).**

# ЧОРВАДОР

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» РЕДАКЦИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТЧИ ЧОРВАЧИЛИК СОВЕТИНИНГ МАХСУС ГАЗЕТАСИ № 6 (39)

## САМАРАДОРЛИК ОШДИ

РАЙОН агросаноат бирлашмасида чорвачиликка раҳбарликни такомиллаштириш бўйича бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Масалан, мутахассислар ҳафтада икки марта олдиндан белгиланган график бўйича хўжаликларда бўлиб, аҳволни ўрганадилар. Улар Дзержинский ва Навоий номли колхозларнинг сут-товар фермалари иши билан танишдилар. Бош зоотехниклар, ферма мудирлари, сут соғувчи ва молбоқарлар билан суҳбатлашиб, маҳсулдорликни ошириш учун нималарга эътибор бериш, қўшимча резервларни қидириб топиш ҳақида фикрлашдилар. Ишни ташкил этишнинг бу усули кўнгилдагидек самара беряпти. Натижада чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга эришаяпмиз. Район бўйича давлатга чорвачилик маҳсулотлари — гўшт сотиш ярим йиллик плани 110 процент, сут 101,6 процент, тухум 110,3 процент бажарилди.

Лекин чорвачиликда интенсив технологияни кенг қўллаш учун ҳали кўп иш қилиш керак. Биз бу соҳада бир қатор тадбирларни белгилаб олдик.

Ўртоқ М. С. Горбачев Хабаровск ўлкасида меҳнаткашлар билан учрашувда «Агар селекция билан озуқа жамулжам бўлса, маҳсулот кўпаяверади» деб айтди.

Биз бу соҳадаги ишларни тубдан яхшилаш билан бирга сут-товар фермаларининг техник жиҳозланишини янада такомиллаштириш чораларини амалга оширамиз.

Бу мақсадга эришиш осон эмас. Лекин бошқарув РАПО системасига бирлашган ҳозирги пайтда, хўжаликлар билан биргаликда ҳаракат қилиб, муаммоларни ҳам тез ва соз ҳал этиш имкониятига эгамиз. «КПСС XXV съезди» совхози ва Ленин номли колхозларда қилинаётган ишлар бунга мисол бўла олади. Мавлонов номли, Ойбек номли совхозлар ва Навоий номли колхозларда ҳам сўнгги

*Мутахассис минбари*

пайтларда гўшт, сут етиштириш анча кўпайди, ярим йиллик планлар ортиғи билан адо этилди. Зотли молларнинг бузоқларини парвариш қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Йил охирига бориб план бўйича моллар сони 4425 тага етиши керак. Ҳозир эса хўжаликларнинг фермаларида 4370 бош қорамол боқилаяпти. Албатта, мўлжалдаги мақсадга эришилади, қўшимча ўнлаб тонна сут соғиб олиш имкониятига эга бўламиз.

Яна бир нарса. Умумий поданинг 30—35 процентини соғин сигирлар ташкил этади. Бу яхши кўрсаткич бўлишига қарамай бизни қаноатлантирмайди. Айни кунларда хўжалик раҳбарлари, мутахассислар билан биргаликда бу кўрсаткичнинг янада юқори бўлишига қаратилган тадбирларни жорий этмоқдамиз.

Майда фермалар тугатилиб, чорвачилик комплекслари қуришга киришдик.

Комплекслардаги барча оғир юмушлар механизациялаштирилган. Бироқ бизни сут совутиш мосламалари ўрнатиш масаласи анча ўйлантириб турибди. Тўғри айрим хўжаликларда бундай мосламалар самарали ишлатилмоқда. Аммо ҳамма ерда ҳам бундай имконият йўқ. Запас қисмларнинг етишмаслиги ишга ҳалақит бермоқда.

Бу соҳада область агросаноат комитетининг ёрдамига муҳтожмиз. Биз эса ўз навбатида қўлимиздан келган барча ишларни амалга оширамиз. Сут соғиб олишни кўпайтиришда фан-техника ютуқлари, илғорлар тажрибасидан кенг фойдаланиш учун ҳаракат қиламиз. Маҳсулот сифати асосий мезон бўлиб қолади.

Бу йил ёғлилик даражасини ошириш ҳисобига ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 92 тонна кўп сут етиштирилди.

**Х. САЛИМБОЕВ,**
**РАПО бош зоотехниги.**

РЕДАКТОР КОЛОНКАСИ

## БОШ ОМИЛ

**КПСС МАРКАЗИЙ Комитетининг 1986 йил июнь Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев аграр сектордаги муҳим вазифалар устида тўхталиб, жумладан: «...интенсив технологияларни кенг қўлланиш далалар ҳосилдорлиги ва чорвачилик фермаларининг маҳсулдорлигини юксалтиришга олиб борадиган йўлдир» деб таъкидлади.**

**Областимизда бу йўналишда қайта қуриш ишлари ҳамон суст бормоқда. Оҳангарон, Бўстонлиқ, Ўрта Чирчиқ ва бошқа районларнинг айрим хўжаликларида ишлаб чиқариш технологияси устидан ҳалигача назорат ўрнатилмаган. Қорамолларни парвариш қилиш, сақлаш, озиқлантиришда камчиликларга йўл қўйилмоқда. Айрим хўжаликларда эса подани янгилаш, жамғарилаётган ем-хашакнинг сифати ўз вақтида текширилмаяпти. Бу сингари камчиликлар сўнгги пайтда сигирлардан сут соғиб олишнинг кескин пасайиб кетишига олиб келмоқда. Давлатга топширилаётган чорвачилик маҳсулотларининг сифати ҳам талабга жавоб бермаяпти. Масалан, Ғалаба, Янгийўл ва Чиноз районларининг колхоз ва совхозларида сут етиштириш сабабсиз равишда камайтириб юборилди. Оққўрғон, Оҳангарон, Калинин, Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл районларининг хўжаликларида эса гўшт етиштириш юзасидан белгиланган планларнинг бажарилишида қолоқликка йўл қўйилмоқда.**

**Ваҳоланки, ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириб бораётган, илғор тажрибаларни, фан ютуқларини кенг жорий этаётган хўжаликларда яхши натижаларга эришилмоқда.**

**«Чорвадор»нинг бугунги сонида Бекобод районн ферма ва комплексларида ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилаш бўйича қандай тадбирлар амалга оширилаётганлиги, шунингдек, чорвачиликда интенсив технология омилларидан самарали фойдаланишга ҳалақит бераётган камчиликлар ва муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари ҳақида сўз юритилади.**

2-бет.

ИМКОНИЯТ, ИЗЛАНИШ

## ИНТЕНСИВ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

ФЕРМАМИЗДА молларни озиқлантиришда илғор тажрибалар кенг қўлланилмоқда. Масалан, айни кунларда соғин сигирлар кунига олти марта озиқлантирилмоқда. Кундузги рационга 70 килограмм кўк масса, 2 килограмм омухта ем, бир килограмм ўт уни ва бошқа витаминлар киритилган. Куннинг ниҳоятда иссиқ бўлишига қарамай сигирлар берилаётган озуқани нишхўрда чиқармай емоқда. Табиийки, соғин ҳам ёмон эмас. Сигирларнинг ҳар биридан ўртача 10,5 килограммдан сут соғиб олиниб, маҳсулотнинг ёғлилик даражаси ҳам юқори бўлмоқда.

Албатта, шу кунлардаги муваффақият билан чекланиб қолиш мумкин эмас. Биз шуни ҳисобга олиб, маҳсулдорликни ошириш, сут соғиб олишни кўпайтириш учун янги-янги резервларни излаб ишга тушираяпмиз, илғор тажрибаларни қўллаяпмиз.

Тажрибалар соғин сигирлар қанчалик очиқ ҳавода кўп юрса, шунчалик мўл ва сифатли сут беришини кўрсатди. Шуни ҳисобга олиб махсус майдонча қурдик. Бу ерда жониворлар кунига бир марта яйратилмоқда. Бундан ташқари фермада қорамоллар учун душ қуришни ҳам бошлаб юбордик. Ой охирига бориб сигирлар ҳар куни чўмилтириб туриладн.

Бир қараганда бу тадбирлар анчайин майда-чуйда иш бўлиб туюлади. Лекин молларнинг маҳсулдорлигини оширишда, сутнинг сифатини яхшилашда уларнинг роли катта эканлигини тажрибада синоздан ўтказдик. Оддийгина яйратиладиган майдонни тўғри жиҳозлаш бизга маҳсулдорликни кунига ярим литр кўпайтириш имконини берди. Фермамизда эса 500 бош сигир бор. Демак, кунига 250 килограмм қўшимча сут соғиб олинмоқда. Бу катта резерв.

Бизнинг комплексимиз 1974 йилда ташкил этилган. Шундан буён йилдан-йилга маҳсулот етиштириш ошиб боряпти. Агар дастлабки йиллари давлатга 500—600 тонна сут сотилган бўлса, ҳозир бу рақам икки баравардан ортиқ кўпайди. Биргина 1986 йилнинг ярим йилида 714 тонна юқори сифатли сут топширилди.

Комплексимизда молларни бўрдоқига боқишнинг интенсив омиллари ишлаб чиқилган. Бунга амал қилинаётганлиги туфайли яхши натижаларга эришаяпмиз. Масалан, бўрдоқиларни ўз вақтида озиқлантириш, зооветеринария кўригидан ўтказиш уларнинг жадал семиришини таъминламоқда. Ҳозирги пайтда бир кеча-кундузда бўрдоқилар ўртача 850—900 граммдан эт қўшмоқда. Давлатга топширилаётган қорамолнинг ўртача тирик вазни пландаги 350 килограмм ўрнига 475 килограммни ташкил этмоқда. Ишни бундай жадаллаштириш давлатга гўшт топшириш ярим йиллик планини муддатидан анча олдин ошириб бажариш имконини берди.

Ҳар бир соҳада изланган ютади. Биз бундан буён чорвачиликни интенсив ривожлантиришнинг янги имкониятларини қидириб топамиз. КПСС XXVII съезди қарорлари асосида янги тадбирлар белгиланди. Биз бундан буён асосий диққат-эътиборни селекция-наслчилик ишларини ривожлантиришга қаратамиз. Чунки молларнинг зоти қанчалик яхши бўлса улардан маҳсулот олиш шунча кўпаяди. Айни пайтда районимизда яхши самара бераётган қора-ола зотли сигирларни ҳам энг маҳсулдорларини ажратиб, улардан олинган бузоқлар ҳисобига подани тўлдириб бориш бу соҳадаги энг катта резервдир. Масалан хўжалигимиздаги баъзи сигирлар 20 килограммдан ошириб сут бермоқда. Демак ана шу сигирлардан олинган ғунажинлар ҳисобига қари сигирларнинг ўрнини тўлдириш керак.

Наслчиликни ривожлантириш бизга икки томонлама фойда келтирмоқда. Ҳар йили колхозимиз бошқа хўжаликларга 60-70 бош зотдор бузоқларни сотмоқда. Бундан икки томон ҳам ютади. Албатта молларни интенсив технология асосида парваришлаш фермадаги ҳар бир кишидан аниқ ва бир маромда меҳнат қилишни талаб қилади. Бу ерда овқатланиш оралиғида узилиш бўлмаслиги, профилактик тадбирларни ўтказишда хатоликка йўл қўйилмаслиги керак. Фақатгина бузоқбоқардан тортиб механизаторгача биргаликда, ҳамкорликда, аниқ мақсад йўлида меҳнат қилгандагина белгиланган натижага эришиш мумкин.

Колхозимизда бу вазифаларни тўлиқ ва сифатли бажариш мақсадида чорвачилик бригада пудрати усулига ўтказилди. Бу ўзининг дастлабки самарасини берди. Агар илгарилари комплексимизда ишга кечикиб келувчилар, ўз вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлаётганлар учраб турган бўлса, ҳозир бу камчиликларга чек қўйилди. Иқтисодий жиҳатдан ҳам яхши натижаларга эришяпмиз. Масалан бир центнер сутнинг таннархи ўтган йили пландаги 30 сўм 48 тийин ўрнига 26 сўм 35 тийинни ташкил этди. Сут-товар фермасидан олинган даромад эса 100 минг сўм бўлди.

Ички имкониятларни излаш, ишга тушириш давом этяпти. Айни кунларда озуқа линиясини қуришга киришдик. 1987 йилнинг баҳорида у тўла ишга туширилади. Бу қорамолларга берилаётган озуқа сифатининг юқори ва хилма-хил бўлишини таъминлайди. Бугунги кунда фақатгина ана шундай ижодий изланиб, фан-техника ютуқларини дадил қўлланиб, мақсадга эришиш мумкин. Партия ва ҳукуматимиз ҳам бизни ана шундай ишлашга даъват этмоқда.

**Т. СОБИРОВ,**
**Ленин номли колхоз бош зоотехниги.**



**СУРАТДА: хўжалик бош зоотехниги Т. Собиров (ўнгда) ем-хашак тайёрлашнинг боришини мунтазам назорат қилмоқда. Фермага келтирилган озуқанинг ўз вақтида ва сифатли ғарамланишини таъминламоқда.**

**М. Қорабеков** фотолари.

3-бет.

ТАЖРИБАЛАРИМИЗНИ ЎРТОҚЛАШАМИЗ



## НИШХЎРДАГА ЧИҚМАЯПТИ

ЁЗ ОЙЛАРИДА сигирлардан мўл ва серқаймоқ сут соғиб олишнинг ўз омиллари бор. Бу даврда асосий диққат-эътиборни вақтида озиқлантиришга, айниқса, иссиқдан сақлашга қаратиш керак. Шунинг учун ҳам биз фермамизда май ойининг ўрталаридан бошлаб сигирларни парвариш қилиш режимини об-ҳавога мослаштириб борамиз. Сигирлар молхоналарга фақатгина соғиш пайтида киритилади. Қолган вақтда улар яйратиш майдонларида сақланади.

1986 йилдан бошлаб яйратишнинг янги бир турини ишлаб чиқдик. Махсус майдонга охурлар ўрнатилди. Бу охурларга даладан келтирилган нормадаги кўклай озуқа илгаригидек 1—2 марта эмас, 5—6 марта бўлиб-бўлиб солинмоқда. Бунинг самараси катта бўлаяпти. Биринчидан, қорамоллар оз-оздан солинган емишни нишхўрдага чиқармай тўлиқ истеъмол қилмоқда. Иккинчидан, илгаригидек озуқанинг исроф бўлишига тўла барҳам берилди. Яқин кунлар ичида фермамиз территориясида сигирлар учун душхона ҳам ишга тушади. Иссиқ кунларда бу ерда сигирлар чўмилтирилади.

Амалга оширилаётган бу тадбирлар бизга қўл келмоқда. Чунки маҳсулдорлик ортяпти. Масалан, ўтган йили шу даврда ҳар бош соғин сигирдан 8 килограммдан сут соғиб олган бўлсак, айни кунларда бу рақам 10—11 килограммни ташкил қилаяпти. Эндиликда сигирларни маҳсулдорлигига қараб махсус группаларга ажратяпмиз. Ҳар бир группа учун алоҳида-алоҳида рацион тузилмоқда. Бу келгусидаги ишларимизни янада осонлаштиради.

Бу йил ҳамкасбларим Г. Исмоилова ва М. Холбековалар билан биргаликда ўз группамизга кўпгина ёш ғунажинларни олдик. Уларнинг ҳар биридан йил охиригача 3 минг килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилганмиз. Ҳозирги иш натижаларимиз юқори бўлаётир. Шу кунгача ҳар бош сигир маҳсулдорлигини 1600—1650 килограммдан оширдик.

**М. ТОЖИБОЕВА,**
**«Победа» колхози сут соғувчиси.**

**СУРАТДА: «КПСС XXV съезди» совхози сут-товар фермасининг лаборанткаси Раъно Бозорова маҳсулот сифатини текширмоқда.**

## ТЎЛА ҚУВВАТ БИЛАН ИШЛАСА...

СОВХОЗИМИЗДА сўнгги йилларда чорвачилик жадал ривожланиб боряпти. Бунга мавжуд чорвачилик комплексимиз қувватидан тўла фойдаланиш туфайли эришилмоқда. 1986 йилнинг ярим йилида давлатга сут сотиш плани 31 тонна ошириб бажарилди. Айни кунларда ҳар бир сигирдан ўртача 10—11 литрдан сут соғиб олаяпмиз. Ҳамкасбларим Муқаддас Холматова, Қиммат Исоқова ва бошқалар бу кўрсаткични 12—14 литрга етказмоқдалар.

Дастлаб комплексни тўла қувват билан ишга тушириш анча қийин бўлди. Йиғилишларда, партия мажлисларида чорвачиликдаги камчиликлар ҳар сафар тилга олинар, янги-янги қарорлар қабул қилинарди. Лекин аҳвол эскичалигича қолаверарди.

Ниҳоят ишни амалда қайта қуришни бошладик. Ҳар биримиз ташаббус кўрсатиб меҳнат қилдик. Мавжуд муаммолар ва ҳал қилинмай келинаётган масалаларни тегишли ташкилотлардан ҳал қилиб беришларини талаб қилдик. Чорвачилик интенсив ривожлана бошлади.

Ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқларини дадил қўлланиш, механизация самарадорлигини ошириб бориш, пировард натижада қўл меҳнатини камайтириб, маҳсулот таннархини арзонлаштириш туфайли интенсив технологияни қўллашга эришдик. Албатта, бу ишларни одамлар амалга оширади. Шунинг учун ишни чорвадорлар тўғрисида ғамхўрликдан бошладик. Уларнинг унумли ишлашлари учун зарур шарт-шароит яратилди. Мусобақага астойдил киришдик. Мураббийчилик ҳаракатини йўлга қўйдик.

Мен бугун бу масалалар тўғрисида уларни амалга оширишда бевосита иштирок этганлигим учун гапираяпман. Ахир биз яқин-яқинларгача қолоқлар сафида юрардик. Бугун эса комплексимизда бўлган киши молхоналарнинг тоза сақланишига қанчалик аҳамият берилаётганлигини, машина ва механизмларнинг бетўхтов ишлаётганлигини, молларга озуқа тарқатишда тўғри иш юритилаётганлигини кўриши мумкин. Бундан ташқари молхоналар ювишга мослаб қайтадан жиҳозланди. Соғувчиларнинг захда турмасликлари учун оёқ остига ёғочдан махсус мосламалар қўйилди. Ишдан сўнг душхонада ювиниш, ҳаммомга тушиш мумкин. Кечки ва эрталабки соғиндан олдин иссиқ чой ташкил этилмоқда.

Мусобақага ҳар ўн кунда якун ясалиб, биринчи ва иккинчи ўринни олган соғувчиларга 30 сўмдан, учинчи ўринни олган соғувчига эса 20 сўмдан пул мукофоти берилмоқда. Бундан ташқари пландан ортиқча соғиб олинган ҳар бир литр сут учун биз қўшимча ҳақ олаяпмиз. Агар топшираётган маҳсулотимизнинг ёғлилик даражаси нормадагидан (3,6 процентдан) юқори бўлса, яна қўшимча мукофот ажратилмоқда. Ҳозирги кунда комплексимизда илғор соғувчилар кўп. Бунинг асосий боиси мураббийчилик ҳаракатининг тўғри йўлга қўйилганлигидадир.

Комплексимизда амалга оширилаётган юқоридаги тадбирлар туфайли кадрлар қўнимсизлигига барҳам берилди. Энди ҳар бир киши ўз вазифасини сидқидилдан, сифатли бажариш учун ҳаракат қилмоқда.

Албатта, бу билан комплексимизда ҳамма нарса ҳал қилинган, бундан буён чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ҳозиргидан кўпайтириш мумкин эмас, демоқчи эмасман. Аксинча, ҳали бизда бой берилаётган имкониятлар, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар кўп. Масалан, сут ўтказиш қувурларини олиб кўрайлик, у ишламаяпти. Ваҳоланки, комплекс қурилаётган пайтдаёқ лойиҳада бу зарур мослама кўзда тутилган эди. Афсуски, қурувчилар бу масалани ҳал қилмай кетишган. Эндиликда бу бизга анча қийинчилик туғдирмоқда. Сутни марказлашган усулда қабул қилиш ва ташиш мумкин бўлмаяпти. Бу масалани ҳал қиладиган пайт аллақачон келган.

**Г. ФОЗИЛОВА,**
**«КПСС XXV съезди» совхози чорвачилик комплексининг машинада сут соғиш оператори.**

4-бет.




## «ЎРТАМИЁНАЧИЛАР»

САФАРЛАРИМ давомида қолоқ хўжаликларда кўп бўлдим. Уларни танқид қилдим, кўпчиликка маълум қилдим. Илғорларнинг тажрибалари кўп ёритилмоқда. Лекин, бундай ўйлаб қарасам областимизда «Сен менга тегма, мен сенга» қабилида иш тутувчи, ё қолоқ эмас, ё илғор бўлмаган хўжаликлар ҳам жуда кўп экан. Айниқса, чорвачиликни ривожлантиришда ўртамиёна бўлиб келаётган колхозлар, совхозлар ҳақида алоҳида тўхталишга тўғри келади. Аслини олганда гўшт, сут ва бошқа турдаги чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни жадал кўпайтиришга тўсқинлик қилаётган энг катта иллат мана шу «ўртачалик»дир. Партиямизнинг XXVII съездида ва КПСС Марказий Комитетининг бу йилги июнь Пленумида ҳар қандай соҳани ривожлантиришда аввало ички имкониятлардан тўла фойдаланиш биринчи галдаги вазифа қилиб қўйилди. Менимча ана шу ички резервлардан энг муҳими «ўртача» хўжаликларни илғорлар сафига олиб чиқишдир. Хўш, нега энди баъзи колхоз ва совхозлар 10 йил 15 йиллаб ўртада юришади? Келинг, яхшиси бу саволга жавоб топиш учун ана шундай ўртамиёна хўжаликнинг ишини биргалашиб таҳлил қилайлик.

Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз райондаги муқим «ўртача» хўжаликлардан бири. Бу ерда барча резервлардан тўла фойдаланиляптими, илғор тажрибалар оммалаштирилмоқдами? Бош зоотехник Умрқул Ҳамидов ва бош экономист Йўлдош Ўсаров бу саволга жавоб бериш учун шошилмади. Барча расмий ҳужжатларни кўздан кечиришди, сўнг:

— Колхозимизда қандай имконият бўлиши мумкин,— ажабланишди улар.— Биз кунига ҳар бош соғин сигирдан 8 литрдан сут соғиб олаяпмиз. Бу маҳсулотни олишга 14 озуқа бирлиги миқдорида емиш сарфланяпти. Ушбу рақам бизнинг хўжалигимиз учун энг юқори кўрсаткич, бундан ошиб бўлмайди.

Албатта, 14 озуқа бирлиги миқдорида ем-хашак сарфлаб кўпроқ маҳсулот олиш мумкин. Лекин, рацион янада тўйимли ва хилма хил қилинса-чи? Аслида айни кунларда ҳар бош сигирга 16—17 озуқа бирлиги миқдорида емиш ажратиш мақсадга мувофиқ-ку!

Гап фақат сарфланаётган озуқада эмас. Мутахассислар яна таъкидлашди: бу ерда ҳамма резервлардан тўла фойдаланилаяпти. Ҳамма имкониятлар тўла ишга солинмоқда. Колхоз шароитида бундан ортиқ иш қилиб бўлмайди тамом...

Ҳақиқатан ҳам шундайми?

Бу саволга аниқроқ жавоб топиш учун мутахассислар билан биргаликда фермани айланиб чиқишга қарор қилдим.

— Колхозимизда соғиш бўлими, бузоқхона ва сигирхоналар эски типда, уларнинг қурилганига 30 йилдан ошди,— огоҳлантиришди мени улар.

Ҳақиқатан ҳам чорвачилик бинолари эски экан. Лекин, тан олиш керак. Бу ерда тартиб-интизом жойида. Ҳаммаёқ озода. Мавжуд техника бетўхтов ишлаб турибди. Сунъий урчитиш пункти, озуқа цехи, ем-хашак сақланаётган майдон, умуман ферма ҳавас қилса арзигудек. Буларни кўриб яна ажабланаман: «Нега, бу хўжалик «ўртада»?

Фермадаги ишни, аҳволни синчиклаброқ ўргана бошлаган сари бу ердаги ҳақиқий вазият юзага чиқа бошлади. Тўғри, колхозда чорвачиликни ривожлантириш, унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш учун кенг кўламда иш қилинмоқда. Лекин уларнинг тили билан айтганда баъзи «майда-чуйда»лар эътибордан четда қолмоқда. Масалан, мутахассисларнинг фикрича мўл ем-хашак жамғариш, сигирларни рацион билан озиқлантириш чорвачиликнинг асоси. Бунга эришилмоқда ҳам. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Бир сигирга бир кунда бир арава хашак бериб 5 литр сут соғиб олиш мумкин, бир қучоқ пичан бериб 10 литр сут соғиб олиш мумкин. Гап ана шу тайёрланган емишнинг сифатида, тўйимлилигида. Афсуски колхоз чорвадорлари бу муҳим масалани унутиб қўйишибди. Ғарамланган пичаннинг кўп қисми яхши қуритилмаганлиги туфайли моғорлаб кетибди. Бундан ташқари сигирларга едирилаётган кўк озуқа айни кун қизиган маҳалда ўриб келтирилмоқда. Бунинг устига сигирларнинг озуқа рациони доимо бир хил бўлиб қолмоқда. Масалан, шу кунларда ҳар бош сигирга 65 килограмм кўк озуқа ва 2 килограмм омухта ем берилмоқда. Молларга емиш тарқатишда ҳам кўпгина камчиликларга йўл қўйилмоқда. Сигирларни маҳсулдорлигига қараб озиқлантириш йўлга қўйилмаган. Хуллас, талайгина камчиликлар, нуқсонлар бор.

Мутахассислар билан сигирлар яйратилаётган майдон томонга юрдик. Бу ерда ҳам дастлабки таассуротим яхши бўлди. Сигирлар бостирманинг тагида турибди, тракторлар ёрдамида охурларга ўз вақтида озуқа тарқатилмоқда. Лекин бостирма жуда тор, сигирларнинг кўпчилиги салқин жойга сиғмай офтоб тиғида лоҳас бўлиб юрибди. Шуни унутмаслик керакки, ёз ойида сигирларни асраш, парвариш қилишнинг ўз технологияси бор. Аввало, уларга соя-салқин жой тайёрлаш керак, иккинчидан, жониворларни ўз вақтида ювинтириб туриш лозим.

— Айни иссиқ пайтда нега ҳеч бўлмаса сигирларнинг ярмини қишки бинода сақламаяпсизлар? Ахир, у ер салқин-ку?— сўрадим мутахассислардан.

Бу саволимга улар елка қисиб қўя қолишди. Кейин маълум бўлишича хўжаликда озуқани икки-уч жойда тарқатишдан эринишаётган экан.

Сунъий урчитиш пунктининг иши билан танишмоқчи бўлдим, лекин зоотехник-оссеминаторнинг хонасига киришнинг иложини қилолмадик. Калит унинг ўзида кетган экан.

— Чўпон ота,— деди бош экономист.— Бу ерда нима қиласиз? Ҳамма иш жойида, ҳисоб-китоб йўлга қўйилган.

— Қанақа ҳисоб-китоб?

— Селекция-наслчилик ишларининг ҳисоб-китоби-да,— жавоб қайтарди у.

Афсуски текширишлар бу борада ҳам хўжаликда жуда кўп камчиликларга йўл қўйилаётганлигини кўрсатди. Колхозда парвариш қилинаётган сигирларнинг ҳаммаси қора-ола зотли. Лекин, кўп йиллардан буён уларни ёшартириш ҳақида қайғурилмаяпти, сигирлар қариб қолган.

Мана шунақа гаплар. Ҳа, айтганча чорвадорлар уйидаги аҳвол ҳам яхши эмас. Яқин ўртада бу хонага ҳеч ким кирмаганлиги кўриниб турибди. Қандай ҳам кирсин, ҳаммаёқ чанг, ифлос, хонага пашша тўлиб кетган. Янги газета-журналлар ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Бизга ошхона деб кўрсатишган хона ташландиқ ҳолатда.

— Бу йил соғувчилар учун душхона қуриб бермоқчимиз,— дейди бош зоотехник.— Бунинг учун зарур жиҳозларни олиб келиб қўйдик.

Зоотехник урғу билан таъкидлаган жойни ҳам кўрдик. У ерда ҳам тартибсизлик.

Колхозда ярим йиллик сут етиштириш плани 4 тонна ошириб бажарилибди. 1985 йилнинг шу даврига нисбатан сут соғиб олиш 22,6 тоннага ошибди. Бу яхши. Лекин юқоридаги камчиликлар тугатилса кўрсаткичлар янада кўтариларди-ку!

Биз эртани ҳам ўйлашимиз керак. Бунинг учун ҳозир курашиш лозим. Одамлар учун шарт-шароит яратиш, улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ҳар бир кишининг ўз ишига масъулият билан ёндашишига эришишимиз керак. Ана шундагина чорвачиликда интенсив технологияларни тезроқ жорий эта оламиз. Бу эса пировард натижада тармоқнинг жадал ривожланишига олиб келади.

Дзержинский номли колхознинг раҳбарлари, мутахассислари буни унутмасликлари керак. Фермада қайта қуришни тезлаштириш, бошқарувни такомиллаштиришлари шарт. Бу борада ҳеч қандай «майда-чуйда»нинг бўлиши мумкин эмас.

**Чўпон ота таассуротларини оққа кўчирувчи М. ЕГОРОВ.**

ЖАМОАТЧИ РЕДКОЛЛЕГИЯ





АБИТУРИЕНТ—86

## ИМТИҲОН КУЧЛИЛАРНИ САРАЛАМОҚДА

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институтининг қабул комиссияси абитуриентларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, улар учун барча шарт-шароитларни муҳайё этди. Характерли томони шундаки, фарзандларини кузатиб келган ота-оналар учун ҳам махсус жойлар ажратилди. Бу ерда тушлик қилиш, иссиқ чой ва салқин ичимликлардан баҳраманд бўлиш учун қулай имкониятлар яратилди.

— Бу йил институтимизнинг кундузги бўлимига 8 та ихтисослик бўйича жами 600 нафар студент қабул қилишни мўлжаллаганмиз,— дейди институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори Б. Ф. Нормуҳамедов.— Шу мақсадда 2400 га яқин ёш йигит ва қизлардан ҳужжатлар қабул қилинди. Ҳозир уларнинг билимлари катта синовдан ўтказилиб, энг кучлилари сараланмоқда...

☐ **СУРАТЛАРДА:** институтнинг катта ўқитувчиси М. Сандибоев автомобиль йўллари қурилиши факультетига кириш учун ҳужжат топширган ёшлардан ёзма имтиҳон олмоқда; Совет Армияси сафида хизмат қилиб қайтган абитуриентлар Т. Утемесов ва Б. Ёвқочдиев.

А. Зуфаров фотолари.


# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
2-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИНИНГ
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти ҳузуридаги
ФИЛИАЛИ
1986—87 ўқув йили учун

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**Филиал қўлда ҳарф терувчилар, машинада ҳарф терувчилар, печатниклар, муқовасозлар тайёрлаб чиқаради.**

**Ўқишга ўрта маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинадилар.**

**Ўқиш муддати — 10 ой.**

**МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.**

Ўқиш даврида 1 разрядли ишчи тариф ставкаси ҳажмида стипендия тўланади.

Улар фақат Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётида иш билан таъминланадилар. Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар Тошкент шаҳрида прорискадан ўтказилиб, ётоқхона билан таъминланадилар.

**Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим:** паспорт, ҳарбий билет, ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, медицина справкаси (286-форма), 4 дона (3x4 см.) ва 3 дона (4x6 см.) фотосурат.

**Мурожаат учун адрес:** Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41-уй, кадрлар бўлими, қабул вақти ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 9 дан 16.00 гача.

## КАРНАЙ ВА СУРНАЙ САДОСИ...

**Инсон ҳаётида юз берадиган қувончли воқеаларда албатта карнай ва сурнай садолари янграйди. Бироръта тантанали маросим йўққи улар музика чолғу асбоблари ижросисиз ўтсин.**

Тошкент экспериментал фабрика усталари тайёрлаган Миллий музика чолғулари овозининг юксак сифати, пишиқлиги, чиройли безаклари, ўзига хос шакли билан ажралиб туради.

«ТАШКУЛЬТТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ, ЦУМ ВА ГУМДАН ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИНИ

**СОТИБ ОЛИШ МУМКИН**

**Баҳоси — 3 сўмдан 134 сўмгача.**



**«УЗМЕСТПРОМ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.**

## ОЛИС МАНЗИЛЛАР ЧОРЛАЙДИ

Отпускалар мавсуми авжида. Завқли саёҳатлар, сафарлар давом этмоқда. Дам олиш мақсадида олис манзилларга бораётганингизда сумка олишни унутманг.

Катта ҳажмли сумкалар — йўлда жуда ҳам керак бўлади, ихчам ва кичик сумкалар экскурсияда лозим. Кичик, чиройли сумкалар оқшом либосларига кўрк бахш этади.

Тошкентдаги кўн-галантерея ва спорт моллари ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳар хил ҳажмда бўлган сумкаларни тайёрлаб чиқармоқда.



**ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОЙИҲА КОНСТРУКТОРЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИ** (телефон 41-54-21).

**«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ** (телефон 45-37-27).


# «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ПОЧТАСИ

## ЎҚУВ ТЕАТРИ СПЕКТАКЛИ

ЎЗБЕКИСТОН халқ ёзувчиси А. Мухторнинг «Қорақалпоқ қиссаси» повести алоҳида спектакль сифатида томошабинларга тақдим этилди. А. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик санъати институтининг ўқув театри репертуаридан ўрин олган бу постановка истеъдодли студент-ёшлар ижросида муваффақиятли саҳналаштирилди.

С. ОДИЛОВА.

## ЯНГИ МАРШРУТ

ОЛМАЛИҚ шаҳар автобус-таксомотор парки коллективи аҳоли учун яна бир қулайлик яратди: Олмалиқ — Нуробод маршрути бўйича қатнайдиган янги автобус линияси очилди.

О. ХУШНАЗАРОВ.

## САВДО КЎРГАЗМАСИ

ТЎҚИМАЧИЛАР маданият саройи биноси ёнида Фрунзе райони ташкил топганлигининг 50 йиллиги муносабати билан савдо кўргазмаси ташкил этилди. Мазкур кўргазмага пойтахтимизнинг етакчи савдо ташкилотлари кийим-кечаклар, пойабзаллар, газламалар, озиқ-овқат билан бир қаторда хилма-хил китобларни олиб келган эдилар.

Республика Модалар уйи намойиш этган янги кийим-кечаклар ҳам кўргазма иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Б. ОРИПОВ.

## ДОИМИЙ НАМОЙИШ ЭТИШ УЧУН

ТЎҚИМАЧИЛАР маданият саройи ҳузуридаги тасвирий санъат халқ студиясида турли корхона ишчи-хизматчилари актив иштирок этиб келишмоқда. «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг моҳир слесари Ю. Бутусов ҳам шу ерда иккинчи истеъдодини камол топтирмоқда. Ҳаваскор рассом «Тўқимачилик цехида», «Мураббий», «Ғалаба куни», «Тошкент уруш йилларида» каби картиналари билан кўпчиликка танилди.

«Революция — бу халқ, халқ эса енгилмасдир» картинаси эса Ялтадаги Ливадия кўргазмасида энг яхши асарлардан бири деб топилиб, доимий намойиш қилиш учун қолдирилди.

А. АЛИЕВ.

ҚАТРАЛАР

## НОН ҲУРМАТИ

ҲАР КУНИ ишдан келаётиб бу одамга дуч келаман. Костюмининг бўш енги чўнтагига солиб қўйилган бўлиб, чап қўлида доимо сунъий чармдан ишланган рўзғор сумкаси кўтариб ўтади. Бир оёғи сезилар-сезилмас оқсоқланади. Шунинг учун бўлса керак, шошилмай юради.

Ўша киши билан таниш бўлмасам ҳам ҳамиша саломлашаман. Мана, бугун ҳам у менга рўпара келаяпти. Фақат эгнида бошқа рангли костюм. Кўкрагига бир неча орден ва медалларини тақиб олган. Демак, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

Бамайлихотир келаётган киши негадир фавқулодда тўхтаб қолди. Сўнгра бироз тараддудланиб, қўлидаги сумкани ерга қўйди. Йўлга эгилиб ниманидир олди. Мен ҳам яқин келиб қолган эдим. У олган нарса — тупроққа беланган бир парча нон экан. Беихтиёр ветераннинг юзига қарадим. Унинг чеҳраси аллақандай мунгли тус олган, кўзларида ёш қалқиб турарди...

## МОТАМСАРО ОНА

ОЛДИДА мангу олов ёниб турган Хотира девори шаҳримиздаги энг файзли жойлардан бири. Унинг атрофи ҳамиша сокин. Гўё девор ҳам, тепалик ҳам марҳумлар хотираси учун сукут сақлаётгандек. Девор олди ва ёнларида ранг-баранг гуллар доимо яшнаб туради. Ишга келаётган-қайтаётганимда гоҳ гулларни суғораётган, гоҳ йўлкаларга сув сепаётган кекса бир онахонни кўриб қолардим. Ана шундагина мармар йўлкаларнинг гард қўнмай ялтираши, гулларнинг чаман бўлиб очилиб туриши сабабини тушунардим.

Эрими, ака-ука ёки фарзанди урушда ҳалок бўлган бу онахоннинг юрагида қирқ йилдан кейин ҳам уруш қолдирган жароҳат битмаётгани аён эди.

**Орзумурод ҲАМРОЕВ,**
**Бўка райони.**

# ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

## БУРКИНА ФАСО МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

УАГАДУГУ, 5 август. (ТАСС). Буркина Фасо халқи миллий байрам — август революциясининг уч йиллигини тантанали нишонлади. Пойтахтнинг бош магистрали — байроқлар ва транспарантлар билан безатилган мустақиллик авенюсида оммавий намойиш бўлиб ўтди. Мамлакат президенти Томас Санкара намойиш қатнашчилари ҳузурида нутқ сўзлади.

Буркина халқи, деди давлат бошлиғи, революциянинг навбатдаги йиллигини ҳаётнинг турли соҳаларида муваффақиятлар билан кутиб олди. Революция миллий кенгаши раҳбарлигида миллий экономикани, қишлоқ хўжалигини юксалтириш борасида катта-катта тадбирлар амалга оширилди, соғлиқни сақлаш, уй-жой қурилиши янада ривожлантирилди. Аммо ҳали мамлакат кўп иш, жумладан, социал соҳада талайгина ишлар қилиши керак, деб таъкидлади президент. 1986 — 1990 йилларга мўлжалланган иқтисодий ривожланиш биринчи беш йиллик планида катта вазифалар ўртага қўйилган.

## ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

⊙ **НЬЮ-ЙОРК.** Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ижтимоий ахборот департаменти жаҳон ҳамжамияти қароргоҳида ёш тадқиқотчиларнинг Тинч океанда тинчлик ва ҳамкорлик проблемаларига бағишланиб Находкада ўтказилган халқаро семинари тўғрисида пресс-релиз (маълумотнома) тарқатди. Унда, жумладан, анжуман қатнашчилари Совет Иттифоқининг қуролланиш пойгасини тўхтатишга, Тинч океани ҳавзасини тинчлик, барқарорлик, дўстлик ва ҳамкорлик зонасига айлантиришга қаратилган таклифларини қўллаб-қувватлаганликлари таъкидланади.

⊙ **ПРАГА.** Бу ерда Чехословакия давлат чегарасини қўриқлаш тўғрисидаги қонун қабул қилганлигининг 35 йиллиги муносабати билан виставка очилди. Чегарачиларнинг мардлиги ва матонатининг бебаҳо далиллари бўлган минглаб экспонатлар ва ҳужжатлар уларнинг машаққатли меҳнати, ЧССР, социалистик негизларни мустаҳкамлаш учун олиб борган кураши тўғрисида ҳикоя қилади. Кўпгина материаллар социалистик давлат ташкил топганидан кейинги йиллар мобайнида АҚШ ва НАТОга аъзо бўлган бошқа мамлакатларнинг махсус хизмат маҳкамалари Чехословакияга қарши олиб борган қўпорувчилик фаолиятининг кўламларини яққол кўрсатиб беради. Виставка қўлга қурол олиб, диверсантлар, империалистик разведка агентлари йўлини тўсган конкрет кишилар, чегарачиларнинг тақдири тўғрисида ҳикоя қилади.

⊙ **БОНН.** Германия социал-демократик партиясидан Бундестаг депутати Манфред Шмидт ГФР ҳукуматидан 30 июль куни НАТОнинг Бавариядаги ҳарбий базасида Американинг «Першинг-1А» ядро ракетаси аварияга учраганлиги сабабларини дарҳол текширишни талаб қилди. Парламент аъзосининг фикрича, ана шу авария ГФРда Американинг ядро ракеталари жойлаштирилганлиги мамлакат аҳолисига доимий хавф солишини исботловчи навбатдаги далилдир. Шмидт Бонн расмий доираларидан ГФР территориясидаги ядровий «Першинглар» дарҳол олиб чиқиб кетилишини, мамлакатда Американинг қанотли ракеталари жойлаштирилишига йўл қўймасликни талаб қилди.

(ТАСС, 5 август).

## ПЕКИНДА ЯНГИ МУЗЕЙЛАР ҚУРИЛМОҚДА

ПЕКИН, 5 август. (ТАСС). Пекин шаҳар маъмурлари Хитой пойтахтида 16 та янги музей очиш ҳақида қарор қабул қилдилар. Бу музейлар еттинчи беш йиллик 1986 — 1990 йиллар мобайнида қурилади.

Фан ва техника музейидан ташқари спорт, қишлоқ хўжалиги, транспорт, почта ва алоқа воситалари, матбуот, адабиёт, архитектура, тарихий қўлёзмалар музейлари ва бошқа музейларни ҳам қуриш мўлжалланмоқда. Пекин яқинидаги Пингу уездида археология музейи очилади. Унинг экспозицияларида, Хитой олимларининг фикрича, «ёши» қарийб ўн минг йил бўлган топилмалар ўрин олади.

## АКЭЛ ПАРТИЯСИНИНГ БАЁНОТИ

НИКОСИЯ, 5 август. (ТАСС). Кипр меҳнаткаш халқи прогрессив партияси (АКЭЛ) фондига маблағ тўплаш кампанияси бошланди. Шу муносабат билан партия Марказий Комитетининг баёнотида бу йил кампания АКЭЛнинг 60 йиллиги нишонланадиган ва партиянинг XVI съезди бўладиган йилда ўтаётганлиги қайд этилади.



▲ **АФҒОНИСТОН ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ.** Совет Иттифоқида рус тилида ва Афғонистоннинг асосий тиллари — пушту ва дари тилларида нашр этилган китоблар пештахталари олдида доим ишчилар, хизматчилар, ёшларни учратиш мумкин. Бу ерда «Бейхаки» китоб нашриёти совет китобларини тарқатиш билан шуғулланмоқда. Суратда: Кобулдаги китоб киоскаси олдида.

БТА—ТАСС фотоси.

## ДУШМАН ГУРУҲЛАРИ ТУГАТИЛДИ

КОБУЛ. 5 август. (ТАСС). АДР қуролли кучлари Афғонистон территориясига чет эллардан юборилган ёлланган душманларнинг икки гуруҳини тугатдилар. БАХТАР агентлигининг хабар беришича, Гор ва Бағлон вилоятларида ўтказилган жанг ҳаракатлари давомида ёлланган каллакесарлардан анчагинаси йўқ қилинди. Душманлардан ўлжа олинган қурол-яроғ ва ўқ-дори, шу жумладан ракеталар, миномётлар, йирик калибрли пулемётлар, шунингдек қўпорувчилик руҳидаги адабиётлар босмачиларнинг империалистик мамлакатлардаги жосуслик ташкилотлари билан алоқа боғлаб турганлигининг рад этиб бўлмайдиган далилидир.

## АКИХАБАРА СТАНЦИЯСИДАГИ ФОЖИА

ТОКИО, 5 август. (ТАСС). Ана шу бахтсиз ҳодиса ҳақидаги хабарни Токио радиоси ўтган якшанба куни «ҳодисалар» бўлимида ўқиб эшиттирди. «Бугун туш пайтида, —деб хабар қилди диктор хотиржамлик билан, — Акихабара станциясининг ишчиси Мигуцу Нагумо ўзини поезд тагига ташлади. Нагумо кейинги вақтларгача Акихабара станциясида ишлаган эди. Унинг қўлига ишлаб чиқаришни рационализациялаш муносабати билан ишдан бўшатилганлиги ҳақидаги хабар текканидан кейин ўзини ўзи ўлдирган».

Нагумо фожиаси бугунги Япония ҳаётидаги якка-ягона ҳодиса эмас. Давлат темир йўл ходимлари умумяпон касаба союзида ТАСС мухбирига маълум қилишларича, мамлакат ҳукумати хусусий капиталга ён босиб, давлат темир йўлларини денационализация қилиш ҳақида қарор қабул қилганидан кейин 60 дан кўпроқ ишчи ўзини ўзи ўлдирганини қайд этилди.

# Спорт

### ЧЕМПИОН ОЛДИНГА ЎТДИ

Жаҳон чемпионлиги учун реванш-матчининг тўртинчи ўйини 41-юришдан сўнг Г. Каспаровнинг қўли баланд ҳолда кечиктирилган эди. Карпов ўйинни давом эттирмай мағлубиятини тан олди. Шундай қилиб, тўрт партиядан сўнг 2,5:1,5 ҳисобида жаҳон чемпиони Гарри Каспаров олдинда бормоқда.

### ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

Новосибирск областининг Бердск шаҳрида 1972—1973 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида интернационал жангчи О. Никитин соврини учун футбол бўйича Бутуниттифоқ турнири ўтказилди. Унда Олмаота, Фрунзе, Тошкент области, Новосибирскнинг болалар ва ўсмирлар олимпия резерви мактаблари вакиллари иштирок этишди. Турнирда Тошкент области командаси муваффақиятли қатнашиб финалга чиқди. Ҳал қилувчи ўйин Олмаота командаси билан бўлди. Бунда вакилларимиз 1:3 ҳисобида бой беришди. Шундай қилиб, улар турнирнинг иккинчи поғонасидан ўрин эгаллашди. Янгийўллик А. Снетков ва олмалиқлик А. Колесниченколар турнирнинг энг яхши ўйинчилари деб топилдилар. Вакилларимизнинг бу ютуғида команда тренерлари В. Спецко ҳамда В. Куриннийларнинг ҳам ҳиссаси каттадир.

* * *

Андижонда республикамиз областлари ҳамда Қорақалпоғистон АССР командалари ўртасида ўтказилган республика биринчилиги мусобақалари якунланди. Ўсмирлар ўртасида ўтказилган бу мусобақаларда областимиз командаси (тренери Р. Хусниддинов) чемпионлик унвонини қўлга киритди. Финалда улар андижонликларни 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Фарғоналиклар билан бўлган ўйинда ҳисоб очилмади.

### ВЕЛОПОЙГАЧИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Тула шаҳрида велоспорт бўйича СССР чемпионати давом этмоқда. Гит бўйича 200 метрга бўлган мусобақалар якунланди. Унда ҳамюртимиз тошкентлик Александр Панфилов муваффақиятли иштирок этиб, чемпионатнинг кумуш медали билан тақдирланди.

Редактор **Н. НАСИМОВ.**

# ТВ

* * *

**БУГУН**

⊙ МТ 1

9.00 «ВРЕМЯ». 9.45 «Моҳир қўллар». 10.10 «Ҳайвонот оламида». 11.10 Всеволод Иванов. Хотиралар ва учрашувлар. 11.55 «Парвоз». Фильм-концерт («Экран»). 12.25 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «ҲАМИША НОН БИЛАН». Ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»). «Амалда синаб кўрилган» туркумидан. 15.50 А. Хачатурян. 2-симфония. 16.55 Жюль Верн қаҳрамонлари экранда. «Дунё бўйлаб 80 кун». Ўн бир серияли мультипликацион фильм. 6, 7, 8-сериялар. 18.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.45 «Сиз яратган боғ». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Сибирь экранда». Киножурнал. 19.40 «Девқомат-эгоист». Мультипликацион фильм. 19.50 «Фан ва турмуш». 20.20 «СПРУТ». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия. 21.30 «ВРЕМЯ». 22.05 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Реванш матчи. 22.20 Ян Френкель. «Айриликлар ва учрашувлар ҳақида». 23.15 «Дунё воқеалари».

⊙ ЎзТВ 1

18.00 Янгиликлар. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Комсомол менинг тақдиримда». 18.50 «Бароқ айиқча». Мульт. фильм. 19.00 КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА! «Чорвадор» программаси. 19.30 «АХБОРОТ». 19.45 «Кафолотсиз кафолотлар». Ҳужжатли фильм («Укркинохроника»). 19.55 «Барҳаёт обида». Адабий кўрсатув. 20.30 «АХБОРОТ». 20.50 Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 Москва. «ВРЕМЯ». 22.05 «ЯГОНА СИЁСИЙ КУН». «Халқ истеъмоли молларини реализация қилишнинг комплекс программаси — умумхалқ иши». 22.35 «Ижодий учрашувлар». Ў. Ҳошимов. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

⊙ ЎзТВ II

9.00 — 15.05 МТ II. 17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун концерт (такрорий). 18.30 «Ҳаво сотувчи». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 19.20 Реклама. 19.30 «Сизнинг миянгиз — мўлжал». Ҳужжатли фильм («Киевнаучфильм»). 20.30 «Арманистон давлат эстрада оркестри». Фильм-концерт. 20.55 «Фестиваль давом этмоқда...». Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган халқ ижодиёти Бутуниттифоқ фестивали.


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
/«Ташкентская правда»/
ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32



Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750, БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325556; қишлоқ хўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қурилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; тунги навбатчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727.

Р. 12857. Б. 1894. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12